

“ДЕМОКРАТИЯ”НИНГ
ИЛДИЗИ ҚАЕРДА?



МАЪНАВИЙ ТАРБИЯГА
САЛБИЙ ТАЪСИР
КЕЛАЗЖАККА ХИЁНАТДИР

УСТЮРТНИНГ
СИРЛИ МЎЪЖИЗАЛАРИ

СОҲИБҚИРОН
ШАХСИНИ
ИДРОК ЭТИШ



№ 15
2021-yil, 14-aprel
Chorshanba (32.657)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

Улуглардан улугимсан, Ватаним!

O'zbekiston OVOZI

ДЕПУТАТ ФИКРИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари
бугунги куннинг долзарб масалалари
тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини
билдиришмоқда.

Мавжуда
Ҳасанова,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатасидаги
ЎзХДП
фракцияси
аъзоси:



— Худудларга назорат-таҳлил тадбирларида чиққанда
кўряпмиз, айрим мутасаддилар ҳали ҳам уйғонмаган,
фуқароларнинг муаммоларини ҳал этиш масаласига
юзакни ёндашиш ҳолатлари оз эмас.

Айниқса, иш ўрни очаман, одамларга даромад ман-
баи яратаман, деган тадбиркорларнинг муаммосини ҳал
этмасдан, улардан нимадир кутаётган раҳбарлар ҳам
борлиги ачинарли ҳолат. Бундай мутасаддиларга қатъ-
ий чоралар қўллаш орқалигина вазиятни ўзгартириш
мумкин. Халқимиз, жамоатчилик бунни тўғри тушуниб
турибди, деб ўйлайман.

Тадбиркор бўлиш истагини билдираётганлар ва
ишини бошловмай турганларга, ишга жойлаша олмаёт-
ганларга яқиндан кўмак берсак, бугунги ислохотларга
мос ҳаракат қилган бўлаемиз.



Шоҳиста
Турғунова,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатасидаги
ЎзХДП
фракцияси
аъзоси:

— Депутат сифатида мени энг кўп ўйлантирадиган,
қўлимни калта қилиб, қийнайдиغان масалалардан
бири — аёлларимизнинг уй-жой масаласидаги му-
рожаатларини қаноатлантириш, десам муболаға
бўлмайди.

Ўзбекистонда 2021 йил якунигача оғир турмуш
шароитига тушиб, бошпанасиз қолган минг нафар аёл
ижтимоий ижара асосида уй-жой билан таъминланади.
Бунинг учун худудларга мингта квартира сотиб олиш
учун маблағ ажратилади.

Аввал катта ташкилотлар балансида бўлган
ётоқхоналарнинг аксарияти қарздорликлар оқиб-
атида яроқсиз ҳолга келиб қолган. Уларнинг таъмир-
ланган ҳолда ижтимоий ижарага берилиши албатта
кўп сонли фуқароларнинг яшаш шароитлари яхши-
ланишига хизмат қилади, деб ўйлайман.

Дилбар
Мамажонова,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатасидаги
ЎзХДП
фракцияси
аъзоси:



— Таҳлилларга кўра, бугунги кунда жаҳон туризм
бозори ҳажми қарийб 9 триллион долларни ташкил эт-
моқда. Дунёда иш билан банд аҳолининг ҳар ўнinchиси
ушбу соҳада фаолият юритмоқда.

Юртимизда ҳам туризмни ривожлантириш орқали
йилига камида 30 мингдан зиёд иш ўрни яратиш мум-
кин экан. Шунингдек, йўлбўйи туризм инфратузилмаси-
ни ривожлантириш, “туризм қишлоғи”, “туризм овули”
ва “туризм маҳалласи” лойиҳаларини амалга ошириш
ҳам туризмни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини
таъминлашда катта имкониятларни яратди. Туризм
учун қийин бўлган соҳадаги субъектлар ҳар томонлама
қўллаб-қувватланиши, уларга субсидия ва ссудалар
берилиши тизимда катта ўзгаришларга асос бўлади,
деб ўйлайман.

Соҳага эътибор кучайтирилган ҳозирги шароитда ту-
ризмда кадрларни тайёрлаш масаласига катта эътибор
қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

ЎзХДП ФРАКЦИЯСИ ВАЗИРГА ТАШҚИ МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ БЎЙИЧА ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИ БИЛАН ЧИҚДИ

Олий Мажлис
Қонунчилик
палатасидаги
ЎзХДП фракцияси
Бандлик ва меҳнат
муносабатлари
вазирига
парламент сўрови
юборган эди.
Унда вазирликдан
ҳамюртларимизни
хорижда уюшган
ҳолда ишга
жойлаштириш
ва соҳадаги
муаммоларни
бартараф этиш
бўйича кўрилатган
чора-тадбирлар
ҳамда соҳага оид
қонунчиликни
янада
такомиллаштириш
масалалари
юзасидан
нуқтаи назарини
билдириш
сўралганди.



СИРТҚИ ҚАБУЛ СОАТЛАРИ

ГАЗЕТАМИЗНИНГ ЎТГАН
СОНЛАРИДА ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИ
ПЎЛАТ РАЗЗОҚОВИЧ БОБОЖОНОВ
БИЛАН “СИРТҚИ ҚАБУЛ СОАТИ”
ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ЭДИ. ЎТГАН
ВАҚТ МОБАЙНИДА ИЧКИ ИШЛАР
ВАЗИРИГА ГАЗЕТАХОНЛАРДАН
КЎПЛАБ САВОЛЛАР КЕЛИБ ТУШДИ.
БИЗ УШБУ САВОЛЛАРНИ ВАЗИРГА
ТАҚДИМ ЭТГАН ЭДИК ВА ЖАВОБИНИ
ОЛДИК.

УШБУ САВОЛЛАРГА ЖАВОБЛАРНИ
ГАЗЕТАМИЗНИНГ НАВБАТДАГИ
СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛАМИЗ.



Профессионал таълим тизимида ДУАЛ ТАЪЛИМ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Манба: БМҚ-163-сон, 29.03.2021 й.

@huquqiyaxborot

2021/2022 ўқув йилидан
профессионал таълим
tizimida дуал таълим
ташкिल этилади

Дуал таълимни ташкил этиш учун ҳокимликлар
ва манфаатдор вазирликлар томонидан ўрта
бўғин кадрларига бўлган эҳтиёж аниқланади ва
таклиф тайёрланади

Дуал таълим –
бу таълимни ўз
йўналишига
мос ташкилотда
меҳнат қилиш
билан бирга
олиб боровчи
tizimdir



Бунда ўқувчи учун
ташкilotда муайян иш
ўрни ажратилади

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
ҳар йили 1 июлгача дуал таълим
бўйича кадрлар тайёрланадиган
таълим муассасаларини белгилайди

Танланган таълим муассасалари
белгиланган квоталар бўйича
ўқувчиларни қабул қилади

Таълим муассасалари кадрларга
эҳтиёжи бўлган ташкилотлар билан
шартнома тузади

Шартнома ташкилот ва ўқувчи
ўртасида ҳам тузилади.

Ўқувчилар бир ҳафтада
камида икки кун
таълим олади, қолган
кунлар ишлайди



Ўқувчига
ишлаган
кунлари учун
ҳақ тўланади



МУРОЖААТНОМА

Бундан буён барча давлат харидлари
жамоатчилик ва парламент назоратида бўлади.ЎзХДП ФРАКЦИЯСИ ВАЗИРГА ТАШҚИ МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ БЎЙИЧА
ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИ БИЛАН ЧИҚДИ

Хорижда ишлаш истагидаги фуқароларга ҳуқуқий-амалий ёрдам кўрсатиш, меҳнат мигрантларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш долзарб масала. Кейинги йилларда мазкур соҳада тизимли ислохотлар амалга оширилиб, муҳим вазифалар белгилаб берилди.

2020 йил 20 октябрда «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги қонун қабул қилиниб, унда фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги меҳнат фаолиятига доир ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши мустаҳкамлаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг ташқи меҳнат миграция тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, «Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари қабул қилиниб, хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси ташкил этилди, меҳнат мигрантларининг соғлиги ва ҳаётини сугурталаш, уларнинг оила аъзолари учун илтеҳа кредитларини ажратиш амалиёти жорий этилди.

Бироқ таҳлиллар ташқи миграция масалаларини тартибга солишда бир қатор муаммолар ҳам мавжудлигини кўрсатмоқда. Хусусан, чет элгаш учун кетган 1 840,0 минг нафар мигрантнинг атиги 11 минг нафари, яъни 0,6 фоизи Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ёки хусусий бандлик агентликлари орқали юборилган, холос.

Ақсарият ҳолларда фуқаролар чет элга ишлаш учун ноқонуний йўллар билан кетишга мажбур бўлмоқда. Оқибатда

иш ҳақларини олиш, турар-жойсиз қолган фуқароларга бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш, бахтсиз ҳодиса натижасида оғир жароҳат олган, касалликка чалинган шахсларга тегишли кўмак бериш масаларида ҳам айрим муаммолар мавжуд.

Юқоридагиларга қўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси томонидан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирга парламент сўрови юборилган эди. Сўровда вазирликдан ҳамюртларимизни хорижда уюшган ҳолда ишга жойлаштириш ва соҳадаги муаммоларни бартараф этиш бўйича қўрилатган чора-тадбирлар ҳамда соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштириш масалалари юзасидан нуктаи назарини билдириш сўралганди.

Парламент сўровига Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигидан жавоб келди. Унда вазирлик томонидан фуқароларнинг меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, ташқи меҳнат миграцияси жараёнини тартибга солиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар хусусида ахборот берилган.



Жумладан, салоҳиятли иш бевурачиларни қидириб топиш ва ҳамкорлик ўрнатиш борасида бир қатор хорижий давлатларнинг меҳнат бозори ўрганилган ва музокаралар олиб борилган. Ўрганишларда Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикасида қўриқлиш соҳасида Ўзбекистонлик фуқароларга эҳтиёж юқорилиги маълум бўлган. Салоҳиятли иш бевурачилар ва улардаги иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар вазирлик ва Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги расмий ахборот манбаларида ва "labor-migration" дастурий мажмуасида ёритиб борилган. Хорижий иш бевурачилар билан мамлакатимиз фуқароларини ташкилий таълим асосида вақтинчалик меҳнат фаолиятига жалб қилиш бўйича қатор давлатлардаги мутасадди ташкилотларга ҳамкорлик бўйича алоқа хатлари юборилган.

Россия Федерациясида ишлаш истагида бўлган фуқаролар учун ушбу мамлакатнинг бир қатор компаниялари иштиро-

кида видеоконференц алоқа шаклида 24 та танлов ўтказилиб, унда иштирок этган 17,6 минг нафар ўзбекистонликлардан 6 мингтаси иш бевурачилар талабига жавоб бергани учун танлаб олинган.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Корея Республикаси Янгту округи администрацияси ўртасида Ўзбекистон фуқароларини Корея Республикасига ("Е-8" виза тури) мавсумий ишларга жалб қилиш мақсадида меморандум, Германия Федератив Республикасининг "GfM GmbH & Co, KG" ва "HR ARENA GmbH" компаниялари билан онлайн учрашувлар натижасида Ўзбекистон фуқароларини Германия ҳудудига "дуал тизими" асосида ишга жойлаштириш бўйича битим имзоланган. Канаданинг "Sobirovs Law Firm" фирмаси ва "Anori Management company" юридик фирмалари вакиллари билан онлайн форматда ўтказилган музокаралар натижасида келишув имзоланиб, фуқароларимизни Канадага

ишга юбориш бўйича ишлар олиб боришмоқда.

Жорий йилнинг 16 март куни Наманган шаҳридаги "Ишга марҳамат" моно-марказида Москва шаҳри "Кўп тармоқли миграция маркази"нинг Ўзбекистондаги филиали очилган.

"COVID-19" пандемияси даврида хорижда бўлиб турган 69 минг нафар меҳнат мигрантига маслаҳат-ахборот хизмати, 1240 нафарига ҳуқуқий ёрдам кўрсатилган. 3120 нафар меҳнат мигрантига турли даражадаги ижтимоий ёрдамлар кўрсатилган. Оғир вазиятга тушган меҳнат мигрантларини моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида 1026 та ҳолатда амалий ёрдам берилган, 13,2 минг нафар меҳнат мигрантининг oilасига моддий ёрдам кўрсатилган.

"Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" Давлат дастурининг 261-банди ижроси бўйича 2021 йил 20 март куни "Хорижий мамлакатлардаги Ўзбекистон меҳнат мигрантларига хизмат кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилиш тизимини тубдан ривожлантириш бўйича идораларо чора-тадбирлар режаси" тасдиқланган.

Парламент сўровида кўтарилган масалалар юзасидан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тегишли чора-тадбирлар амалга оширилишини маълум қилган.

Айни кунларда вазирлик ахбороти ЎзХДП фракцияси аъзолари томонидан ҳар томонлама ўрганилиб, таҳлил қилинмоқда.

Халқ демократик партияси
Ахборот хизмати.

ТАДБИР

ЯНГИ ТИЗИМ

яхлит бошқарув ва узлуксиз назорат қилиш
механизми бўлади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Ички ишлар вазирлиги томонидан Президентимизнинг 2021 йил 26 мартдаги "Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонининг мазмун-моҳияти юзасидан матбуот анжумани ўтказилди.

Унда вазирлик ахборот хизмати, жамоат хавфсизлиги, жазони ижро этиш ҳамда маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаментлари раҳбарлари ва масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Ички ишлар вазирининг матбуот котиби, полковник Шохрух Ғиёсов мазкур фармоннинг мазмун-маҳияти ва ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишининг янги механизмлари ҳақида қисқача маълумот берди. Жумладан:

ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш, уларни бартараф этиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашишга оид муаммоларни бевосита шу жойининг ўзида ҳал этиш;

худудларда жиноятчилик аҳолидан келиб чиқиб, ҳар бир туман, шаҳар ва маҳаллаларни тоифаларга ажратиш ҳамда ҳокимликлар, секторлар, жамоатчилик билан ҳамкорликда "жиноят ўчоқлари"ни бартараф этиш учун барча зарур қуч ва воситаларни жалб қилиш;

"республика – вилоят – туман – маҳалла" тизими асосида яхлит бошқарув ва узлуксиз назорат қилиш механизмларини жорий этиш, ички ишлар ва бошқа давлат органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини самарали мувофиқлаштириш орқали мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш;

ички ишлар органлари ходимларининг замонавий қиё-

фасини яратиш, уларнинг масъулияти ва касбий салоҳиятини ошириш, жиноятчиликнинг янги кўринишларига қарши курашиш учун уларда зарур қўшимчаларни шакллантириш ҳамда соҳани тўлиқ рақамлаштиришга эришиш назарда тутилган.

— Ушбу фармон билан Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардияга Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда уч ой муддатда пойтахтда маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларининг фаолиятини янги талабларга қўра намунавий тарзда ташкил этиш, Қозақалпоғистон Республикаси Вазирлиги Кенгаши раиси ва вилоятлар ҳокимлари билан биргаликда жорий йил якуни бўйича Тошкент шаҳридаги маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини келиб чиққан ҳолда республиканинг бошқа ҳудудларида худди шундай масканлар фаолиятини йўлга қўйиш чораларини қўриш вазифаси юклатилди. — дейди Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси бошлиги ўринбосари, полковник Азим Султонов. — Шу билан бирга, фармонда ички ишлар вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш орқали турдош соҳавий хизматлар фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштиришнинг янги тизими яратилмоқда. Унга мувофиқ, вазирлиқнинг Жиноят қидирув бош бошқармаси, Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бош бошқармаси, Тезкор-қидирув ҳамкорлиги бошқармаси Тезкор-қидирув департаменти, шунингдек, Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини

сақлаш бош бошқармаси, Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси, Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси, Пробация хизмати Жамоат хавфсизлиги департаменти айланттирилмоқда. Бундан ташқари, Транспортда хавфсизлиқни таъминлаш бош бошқармаси, Хавфсиз туризмни таъминлаш мувофиқлаштириш бошқармаси Транспорт ва туризм объектларида хавфсизлиқни таъминлаш департаменти, Кадрлар бош бошқармаси, Маънавий-маърифий ишлар бошқармаси, касбий тайёргарлик бошқармаси Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаментига бирлаштирилди. Жазони ижро этиш бош бошқармаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти айланттирилиб, қайта ташкил этилади.

Қолаверса, фармон билан шундай тартиб ўрнатилдики, эндиликда жазони ижро этиш департаменти бевосита ички ишлар вазирга бйкусунади ва вазир зиммасига ички ишлар органларининг жиний жазоларни ижро этиш тизимини ривожлантириш ва қатъий интизомни таъминлаш учун шахсий жавобгарлик юклатанди. Ички ишлар органларининг барча тергов хибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасалари ҳудудий ички ишлар органларининг тузилмавий-функционал бўйсунувида чикарилиб, жазони ижро этиш департаменти бўйсунувида ўтказилади ва тергов хибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасалари фаолиятини самарали йўлга қўйиш ва уларда қўниқ назоратни олиб бориш жазони ижро этиш департаменти тизимида ташкил этиладиган 6 та минтақавий мувофиқлаштириш марказлари томонидан амалга оширилади.

Матбуот анжумани сўнггида ушбу янги тизим борасида журналистларни қизиқтирган саволларга мутахассислар жавоб қайтарди.

Тоштемир МУРОД

АНЖУМАН

403 КОРХОНАДА МОНИТОРИНГ АМАЛГА
ОШИРИЛДИ,136 объектда атроф-муҳитга меъёридан ортиқ ифлослантирадиган
моддалар чиқарилаётгани аниқланди

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан "Саноат корхоналарининг атроф-муҳитга зарарини камайтириш ва атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш масалалари" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Металлургия, энергетика, нефть-газ ва қончилик саноати корхоналари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш объектлари ҳамда автотранспорт воситаларидан чиқаётган тўтун атмосферани ифлослантирувчи асосий манбалардир. Қўриниб турибдики, ҳозирги аҳвол ҳамда келажакда чиқиндилар чиқариш ҳажмларининг янада кўпайиши электр ва иссиқлик энергияси манбаларини диверсификациялаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни тақозо этади.

Тадбирда мутахассислар томонидан республика бўйича охириги йилларда олиб борилаётган изчил ишлар ҳақидаги маълумотларни қисқача асосий қадар юмшатиш мақсадида автотранспорт воситаларидан чиқаётган тўтун атмосферани ифлослантирувчи асосий манбалардир. Қўриниб турибдики, ҳозирги аҳвол ҳамда келажакда чиқиндилар чиқариш ҳажмларининг янада кўпайиши электр ва иссиқлик энергияси манбаларини диверсификациялаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни тақозо этади.

маълумотлар берилди.

— Мамлакатимизда атмосферага салбий таъсир оқибатларини имкон қадар юмшатиш мақсадида қўмита ва тизим ташкилотлари томонидан бир қатор ишлар олиб борилиб, халқаро ҳамкорлик доирасидаги лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси ўринбосари Исламбек Бойқўнонов. — Бундан ташқари, жорий йилда БМТнинг Озон қатламини муҳофаза қилиш бўйича Вена Конвенциясига асосланган Озон қатламни бузувчи моддалар бўйича Монреаль протоколнинг Киғали тузатишига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши мақсадида мувофиқлиги бўйича кенгайтирилган таҳлилий маълумотлар йиғиши давом эттириш ва пировардида ушбу тузатишга қўшилиш режалаштирилган. Республикаимизда 2020 йил 1 январдан бошлаб "Евро-4"дан паст экологик тоифадаги мотор ёқилгисини ишлаб чиқариш бўйича

янги қувватларни ишга туширишни таъқиқлаш бўйича тизимли ишлар олиб боришмоқда. Хусусан, янгидан ишга туширилиши кўзда тутилган нефтни қайта ишлаш заводларида "Евро-4" ва ундан юқори экологик тоифадаги мотор ёқилгисини ишлаб чиқариш шарти билан Давлат экологик экспертизасининг ҳулосасини олиш тартиби жорий этилиб, унинг амалдаги ижроси юзасидан қатъий назорат ўрнатилган.

Шунингдек, матбуот анжуманида қўмита томонидан атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш бўйича йўлга қўйилган мониторинг борасида ҳам маълумотлар берилди. Эътиборли жиҳати, 2020 йилда давлат экологик мониторинги ўтказиладиган жами объектлар сони 620 тани ташкил этган бўлса, жорий йилда ушбу объектлар 685 тага етказилди. Йил бошидан буён 403 та корхонада мониторинг амалга оширилиб, 136 объектда атроф-муҳитга меъёридан ортиқ ифлослантирадиган моддалар чиқарилаётгани аниқланган ва ушбу ҳолатларни бартараф этиш чоралари қўрилган.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга мутахассислар жавоб қайтарди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

МУЛОҲАЗА

ЁШЛАР ВА
АЁЛЛАРГА
КЎМАК

Халқ демократик партиясининг "Ёшлар ва аёлларга кўмак" лойиҳалари доирасида Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳар "Красногорск" шаҳарчасининг "Толбўлоқ", "Файзабод", "Ойдин" ва "Саид ота" маҳалла фуқаролар йиғинларида бир қатор тадбирлар ўтказилди. Тадбир доирасида ХДП Марказий Кенгаши, партиянинг Тошкент вилоят Кенгаши, вилоят касаба уюшмаси масъул ходимлари ҳамда Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутатларидан иборат ишчи гуруҳ ҳудудда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар билан танишди. "Ёшлар дафтари", "Аёллар дафтари"га киритилган ёшлар ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ишларнинг ташкил этилиши ўрганилди.

Ишчи гуруҳ ногиронлиги бўлган ёшларнинг ҳолидан хабар олди, улар муаммолари, эҳтиёжларини ўрганди. Партиянинг эсдалик совгалари ва озиқ-овқат махсуслотлари топширилди.

Ёшлар бандлигини таъминлаш чора-тадбирларининг натижадорлигини ўрганиши мақсадида партия томонидан ўтказиладиган "Ёшларга кўмак" лойиҳаси доирасида ишга жойлаштирилган йигит-қизлар билан учрашув ўтказилди. Қайд этиш керак, ушбу лойиҳа туфайли маҳаллий ёшлардан 30 нафари "Лола" тўқимачилик корхонасига ишга жойлаштирилган эди. Ишчи гуруҳ корхонада яратилган меҳнат шароити билан танишди.

Ўрганиш жараёнида корхонада яна 8 нафар ишчига эҳтиёж борлиги аниқланиб, шу жойининг ўзида худуд ёшларидан 8 нафарини ишга қабул қилиш масаласи ҳал этилди.

Партия томонидан ўтказилган аввалги тадбирлардан бирида фуқаролар Орифжон Йўлдошевга, Мавлуда Қодировга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун амалий ёрдам кўрсатилган эди.

Тадбир доирасида ташкил этган корхоналар фаолияти билан танишди, тақлиф, муаммолари ўрганилди. Ҳозирда хонадонда кичик тикувчилик цехини юритаётган Мавлуда Қодирова фаолиятини кенгайтиришга ҳаракат қилаётганини, шу мақсадда банкка кредит сўраб қилган мурожаати сансалорликка солинаётганини маълум қилди. Ишчи гуруҳ вакили шу жойининг ўзида "Микрокредитбанк"нинг худудий бўлими мутасаддиси билан танишди, тақлиф, муаммолари қўрилган.

Ўзбекистон ХДП томонидан ташкил этилган "Ёшлар ва аёлларга кўмак" лойиҳасидаги тадбирлар юртимизнинг барча ҳудудларида давом этмоқда.

Ўз мухбиримиз.

МУРОЖААТНОМА

2021 йилдан тўлиқ ишга тушадиган “Ижтимоий реестр”да “темир дафтар”даги барча маълумотлар қамраб олиниб, эҳтиёжманд оилаларга 30 дан зиёд ижтимоий хизматлар электрон шаклда кўрсатилади.

САЙЛОВЧИ ҲУЗУРИДА: МУРОЖААТЛАР ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Бугун мамлакатимизда халқ билан мулоқот қилишнинг янги тизими – “маҳаллабай” асосда иш ташкил этиш, шу орқали одамларнинг дарду ташвишларига қулоқ тутиш ҳамда уларни ҳал этиш вазифаси кун тартибиди. Шундан келиб чиқиб, Халқ демократик партияси депутатлари ҳам мунтазам равишда сайловчилар билан очиқ мулоқотлар ўтказиб, одамларнинг турмуш тарзи, оилавий шароитини ўрганиб борапти. Энг муҳими, сайловчилар билан учрашувларда кўтарилган масалалар, аҳоли мурожаатлари ижобий ҳал этилмоқда.

ДЕПУТАТ СЎРОВИ НАТИЖАСИДА ИЧИМЛИК СУВИ МУАММОСИ ҲАЛ ЭТИЛАДИГАН БЎЛДИ

Жиззах вилояти Янгибод туманида ўтказилган ана шундай мулоқотларнинг бирида парламент куйи палатасидаги партиямиз фракцияси аъзоси Муқаддас Ҳасанович “Совот” маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласида мурожаат қилган эди. 2016 йилдан буён “Совот” МФЙда истикомат қилувчи аҳоли турли ташилотларга мурожаат этишган, аммо ечими топилиб келган.

Депутат ушбу мурожаатдан келиб чиқиб, “Ўзсувтаъминот” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси номига сўров юборган эди. Депутат сўровига асосан “Совот” МФЙни тоза ичимлик суви билан таъминлашга 1,8 млрд. сўм маблағ йўналтириладиган бўлди. Депутат бугун мазкур маҳаллада

ўтказган учрашувда 6 км. ичимлик суви тармоғини қуриш мақсадида лойиҳа смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича туман мутасаддиларига кўрсатма берди.

Шунингдек, депутат Янгибод туманидаги 4-сонли мактаб биносидида жойлашган 5-сон МТТ фаолияти билан танишиб, ушбу боччага алоҳида бино қуриш бўйича депутатлик сўрови жўнатиш ҳақида режа белгиледи. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича мутасаддиларга тавсиялар берди.

ДЕПУТАТ ФОРИШЛИК САРВИНОЗ РАХИМОВАНING ТИКУВЧИЛИК УСТАХОНАСИДА
Фракция аъзоси Зулайхо Акрамова Жиззах вилоятининг Фориш туманида “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастури бўйича туманда олиб борилаётган ишлар, шунингдек, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”-



нинг маҳаллаларда ташкил этилиши ҳолати ва аҳолининг ижтимоий муҳо-фазага муҳтож қатлами ҳимоя қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар билан танишди.

Депутат ўрганишлар давомида тумандаги Э.Камалов маҳалласида истикомат қилувчи синглимиз Сарвиноз Раҳимованинг 12 нафар шогирди билан биргаликда болалар учун юмшоқ ўйинчоқлар ишлаб чиқараётган тикувчилик устахонасига борди, муаммоларни ўрганди, имтиёзлар билан таништирди.

Маълум бўлишича, Сарвиноз бундан 9 йил илгари турмуш ўрғонган ажрашиб, оилавий қийинчиликлар, моддий етишмовчиликлар сабабли

лаева хонадонна-хонадон юриб, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”га кирган фуқароларнинг муаммоларини ўрганди. Ўсмак қишлоғида яшовчи Насиба Раҳмонқуллова, Шаҳноза Алиқуллова ҳамда Акбар Хидировларга озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда қурилиш материаллари топширилди. Уйи таъмирталаб бўлиб қолган Ширин Усанованинг муаммоси ҳал этилиб, унга зарур бўлган материаллар олиб берилди.

Партиямиздан Бахмал туман Кенгашига депутат этиб сайланган Шухрат Турдуқуллов эса ушбу қишлоқда яшовчи кам таъминланган ва ногиронлиги бор Ойқиз Ўбайдуллаева, 2-гурӯх ногирони Наргиза Бойтўраева-ларнинг ҳолидан хабар олди. Депутат томонидан Қорақурсоқ қишлоғида яшовчи 2-гурӯх ногирони Шарофот Қаршиевага ногиронлик аравачаси тақдим этилди.

Партиямиз депутатларининг бу каби хайрли тадбирлари давом этмоқда. Энг муҳими, депутат, партия сайловчига янада яқинлашмоқда. Ҳамжихатликда ҳикмат кўп деганларидек, очиқ мулоқотлар орқали қатор муаммолар бартараф этиляпти, одамларни бир неча йиллардан бери қийнаб келаётган масалалар ижобий ечим топилади.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

“ДЕПУТАТ МАҲАЛЛАДА”:

навбатдаги тадбир
Когон туманида ўтказилди

ХДП Бухоро вилоят Кенгаши ташаббуси билан Когон туманида “Депутат маҳаллада” лойиҳаси доирасида аҳоли билан ишлашнинг “маҳаллабай” ва “фуқаробай” тизими асосида ишларни ташкил қилиш мавзусида амалий семинар ўтказилди.

Ишчи гурӯҳ ўз фаолиятини Когон туман Уйрот қишлоғидаги 26-сон оилавий поликлиникада тиббий кўрик ташкил этишдан бошлади. Мутахассислар ҳулосасига кўра, кўриқда иштирок этган 298 нафар фуқародан 249 нафарига амбулатор, 35 нафарига стационар даволаниш учун йўлланмалар берилди.

Муассасанинг мажлислар залида ташкил этилган депутат қабули ҳам ишчан руҳда ўтди. Аҳолидан тушган 30 га яқин мурожаатдан 19 таси жойида ҳал этилган бўлса, қолган 11 тасига депутатлик сўрови орқали ечим топилиши тушунирилди.

Тадбир доирасида туманининг Ҳафизлар қишлоғида истикомат қилувчи Санам Ҳотамовага махсус аравача топширилди.

МУАММОЛАР МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ СЕССИЯСИГА ОЛИБ ЧИҚИЛАДИ

ЎзХДП Сирдарё вилоят Кенгаши вилоят Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда ўтказган “Депутат – маҳаллада” лойиҳаси доирасида Ўзбекистон кўзи оғизлар жамияти Сирдарё тумани бўлинмасида рўйхатда турувчи фуқароларнинг ҳолидан хабар олинди.

“Темир дафтар”, “Ёшлар” ва “Аёллар дафтари”га киритилган фуқаролар билан ишлаш, камбағалликни қисқартириш бўйича маҳаллий идоралар томонидан амалга оширилаётган ишлар билан танишилди. Ҳудуд аҳолиси билан ўтказилган суҳбатларда аниқланган муаммоларни депутатлар маҳаллий Кенгаш сессиясига олиб чиқишга келишиб олишди.

Ўз мухбиримиз

МУЛОҲАЗА



“Демократия” нинг илдизи қаерда?

Инсон тарихида ва тарих инсонда мужассам. Улар орасида шундай чуқур ва сирли ўзаро уйғунлик борки, бу алоқадорликни узиб ташлаш амалда мумкин эмас. Ушбу узвий алоқадорлик миллий характерда ўз аксини топади. Миллий характер миллатни турли бузғунчи ғоялардан асровчи “ҳимоя қобили” вазифасини ўтайди. У четдан келаётган турли хил ғояларни ўз “фильтр”идан ўтказиши. Агар ғоя ижобий бўлса, миллат учун йўл топади. Аксинча бўлгани жамият қаршилигига учрайди.

“Ўзбекистон овози” газетасининг 2020 йил 31 март сонидида босилган “Бундан кимсалар тузоғи” сарлавҳали мақолани ўқирканман, беихтиёр ушбу фикрлар хаёлимдан ўтди.

Мақола муаллифи Тошкент шаҳрининг марказида бир гурӯх ёшлар томонидан содир этилган тартибсизликка ўз муносабатини билдирган. Ушбу ҳаракатларни қонунийлик жиҳатидан ҳам, инсонийлик жиҳатидан ҳам оқлаб бўлмайди. Бу ҳолат айримларнинг ҳуқуқий билими пастлиги ва орқича ҳиссиётга берилишга мойил эканлигини намоён этмоқда.

Қайд этиш керак, кейинги пайтларда “оммавий маданият”нинг турли кўринишлари мамлакатимизга кириб келаётгани ва уларнинг вакиллари қонунчилигимизда ўзларини камситилгандек кўрсатиб, ўзгаришлар қилишга уринаётгани жамоатчилик муҳокамасига айланди. Фикрлар турли-туман. Демократия талаб қилаётганлар гўёки жабрдида. Аслида ҳам шундайми?

Асло йўқ! Демократияга тўхталсак. Бу кўпчилик манфаатларини жамиятда аксланиши. Аниқроқ

айтганда, миллатнинг “мени” халқ ҳокимиятида намоён бўлсагина, у ўз таърифига мос бўлади. Аксинча бўлса-чи?

Шу ўринда бир мисол. Олимпларнинг ҳисоб-китобига қараганда, 2050 йилга бориб Европада истикомат қилаётган европаликларнинг авлодлари 10 фоизни ташкил этар экан. Албатта, буни бузғунчи ғоялар миллатларнинг миллий характерини емириб боришининг натижаси, дейиш мумкин. Бундай ғояларда бир жинслилик, фарзанд кўрмасликини тарғиб қилиш, бу дунёда шод-хуррам яшаб ўтиш, нимани истасан, шу ишни амалга ошириш, ахлоқий инсонлар томонидан ўйлаб топилган бемаънилик сифатида баҳолаш каби ҳусусиятлар ётади. Бу ғоялар жамиятда устунлики кўлга киритса, миллатнинг кўпайишига, ривожланишига тўқсинлик қилади.

Айримларда юқоридаги каби ғоялар билан яшаётган ҳалқларда тараққиёт юқори, деган дунёқараш мавжуд. Аслида бу тараққиёт белгиси эмас. Қачонки, миллий қадриятлар, урф-одат, аънавалар ҳалқда уйғун бўлса, тараққиёт бўлади. Бу тараққиёт эмас, балки таназзулдир. Охир-оқибат, бу миллатни йўқ қилувчи ҳодисага айланиши мумкин. Буни тарғиб қилаётганлар эса ўзлари ғоявий жиҳатдан тарбияланмаганлардир.

Хуллас, дунёда нималар бўлаётганини кўриб турибмиз. Ғоялар тўқнашуви палласида биринчи навбатда ёшлар тарбияси муҳим аҳамият касб этмоқда. Шундай экан, фарзандларимизни оилада, таълим муассасаларида илм эгаллашларида эътиборлироқ бўлайлик.

Хусан АБДУНИЯЗОВ,
халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгаши депутати,
ЎзХДП гурӯҳи аъзоси.

ЎзХДП ДЕПУТАТЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН

ЮРТ ОБОДЛИГИ МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

Бугун одамларимизда яхши яшашга интилиш ҳисси низоҳатда юқори. Халқимиз турмушим фаровон бўлсин, уй-жойим, маҳаллам обод ва озода бўлсин, гўзал масканларда бахтли, бахтиёр яшайлик, деган мақсад ва кучли иштиёқ билан ёниб яшамоқда. Шунга ҳамроҳанг тарзда давлатимиз раҳбари ташаббуси асосида ҳаётга изчил татбиқ этилаётган “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари орқали мамлакатимизда чиройли масканлар, тоза ва озода манзиллар кўпаймоқда, замонавий турар жойлар, таълим муассасалари, хизмат кўрсатиш шохобчалари янгилашмоқда кад ростламоқда. Бу саъй-ҳаракатлар бежизга эмас, албатта. Чунки обод маҳаллада яшган кишининг қалби ҳам обод, маданияти ҳам юксак бўлади.

ОБОД ҚИШЛОҚЛАР ЯНАДА КЎПЯЙДИ

Яқин тарихга назар ташласак, пахса, гуваладан тикланган пахсам уйлاردан иборат қишлоқлар, ҳеч қандай инфратузилмаси йўқ маҳаллалар кўз олдимизга келади. Бугунги шароит, имкониятлар билан қиёслаб кўрадиган бўлсак, ҳеч қандай изоҳқа, исботга ҳоҷат қолмайди. Шунчаки, ўз қўлимиз билан файзли ва қўрқам ҳудудларга назар ташласак бўлди. Бир-биридан чиройли ва маҳобатли бинолар, замонавий уй-жойлар қишлоқ ва маҳаллаларимиз кўрнига-кўрн қўймоқда. Ҳар бир ҳудуднинг ўз савдо шохобчаси, саргарошхонаси-ю, устахонаси бор. Айниқса, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” ташаббуси юртимизнинг ҳар бир гўшаси ободончилиги, ҳудудларда замонавий инфратузилма ривожланиши учун янги босқични бошлаб берди.

Маълумотларга кўра, ушбу дастурлар доирасида 5 миллионга яқин юрдошимиз яшайдиган 1 минг 200 та маҳалла ва қишлоқдаги шароитлар яхшиланди. Аммо ўтган йили корона-вирус пандемияси туфайли бу борадаги ишлар вақтинча тўхта-тилган эди. Яқинда, яъни шу йилнинг 24 март куни давлатимиз раҳбари раислигида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида жорий йилда амалга ошириладиган ишлар муҳокама этилиб, қишлоқ ва маҳаллаларни обод қилиш бўйича ишлар белгилан- олинди. Бу йил йўнал дастурлар доирасида ишларга жами 21 триллион сўм маъмур тўлатилди. Бу ҳудудларда, мамлакатимизнинг чекка қишлоқларидаги минглаб оддий одамларнинг ҳаётида ўзгаришлар бўлишини аниқлади.

7 794 ТА ҚИШЛОҚ ВА МАҲАЛЛАДА КАТТА ЎЗГАРИШЛАР ЎЗ БЕРАДИ

Жорий йилнинг 2 апрель куни бу борада яна бир муҳим ҳужжат имзоланди. Яъни, Президентимизнинг “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, 2021 йилда жами 7 794 та қишлоқ ва маҳаллада 20,8 трлн сўмлик қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга оширишни назарда тутувчи параметрлар тасдиқланди.

Эндиликда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида қишлоқлар (маҳаллалар) рўйхати бир қатор мезон-лар асосида шакллантирилади. Яъни, олис ва табиий-иклим шароити оғир ҳудудларда жойлашганлиги, Президентнинг Халқ қабулхоналари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари аҳоли томонидан йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандис-лик-коммуникация тармоқлари ва иктимой соҳа объектлари бўйича келиб тушган мурожаатлар сонига қараб белгиланади. Шунингдек, аҳоли ва тадбиркорларда узланиш истикомат қилаётган (жойлашган) қишлоқ (маҳалла) ҳудудини биргаликда ободонлаштириш юзасидан ташаббусларнинг мавжудлиги, «Туризм маҳалласи», «Туризм қишлоғи» ёки «Туризм овули» мақомига эгаллигига ҳам эътибор қаратилади.

МАЪЛУМОТ УЧУН:

Дастурлар доирасида, 10 114,4 км ички йўллар қурилади ва таъмирланади, 765 км пивда йўлаклар қурилади. 615 та бочча, 1 030 та мактаб, 376 та тиббиёт муассасалари фаолияти йўлга қўйилади. 710 та маҳалла биноси, 114 та маҳалла гузари, 27 та маданият марказлари қурилади ва таъмирланади. 1 867 та спорт майдончаси, 490 та болалар майдончаси, 43,5 км узунликдаги велосипед йўлакларини барпо этилади. 45 376 та яқна тартибдаги уй-жойлар, 1 323 та кўп квартиралли уй-жойлар таъмирланади, шунингдек, 6 500 та яқна тартибдаги уй-жойлар қурилади.

ДЕПУТАТ НИМА ДЕЙДИ?

— Очиғини айтиш керак, сайловчилар билан учрашувларда тоза ичимлик суви, электр энергияси билан таъминлаш, ички йўлларни таъмирлаш билан боғлиқ масалалар жуда кўп кўта-рилади. — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Мавжуда Ҳасанова. — Айниқса, қишлоқларда электр таъминоти қоникмас аҳоли, транс-форматорлар ҳолатини яхшилаш керак. Қишлоқларда кўп кў-чалар йўллар давомида қаровсиз ва эътиборсиз қолиб кетган. Жорий йилда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган бу борадаги муаммолар ўз ечимини топадиган бўлди. Албатта, одамларимизнинг турмуш даражасини яхшилаш учун катта-катта дастурлар қабул қилинмоқда, режалар салмоғи ҳам низоҳатда катта, қанчадан-қанча маблағлар йўналтирилмоқда. Ҳар биримиз шунга муносиб бўлишимиз, бунга фидойилик, фаоллик билан жавоб беришимиз керак.

Парламентга, ҳар бир туман ва шаҳар кенгашига пар-тиямиздан сайланган депутатлар оқруқларида дастурларга киритилган қишлоқ ва маҳаллалардаги ишлар бўйича алоҳида назорат ўрнатиши керак. Умуман олганда, ижро интизомини қатъий қўлайтириш, дастурдаги вазифаларни тўла-тўқис амалга ошириш талаб этилади. ЎзХДП депутатлари бу бора-да ўз режасини ишлаб чиқиб, доимий ўрганиш олиб бориши белгиланди.

Ҳақиқатан ҳам, ислохотлар кўлами кенг. Бу йил ҳам кенг миқёсда қурилиш, ободонлаштириш ишлари олиб борилади, қишлоқ ва маҳаллаларимиз замонавий кўринишга эга бўлади, аҳоли учун янада яхши шароитлар, қўлайликлар яратилади. Фарзандларимиз кўз кўрса қувонадиган, дил яйрайдиган чи-ройли ва обод маҳаллаларда, қишлоқларда ўсиб, улғаяди. Фақат бу йилда бир-биримизга ёлқош бўлиб, ҳамжихатликда, ҳамфикр бўлиб ҳаммамиз ҳаракат қилишимиз керак. Зотан, обод элнинг бахтиёр фарзандлари “бу менинг маҳаллам”, “бу менинг қишлоғим”, деб фахрланиб юрсин!

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИДА САРДОРЛАР КЕНГАШИ

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташаббуси билан Меҳрибонлик уйлари ва болалар шаҳарчаларида Ёшлар етакчиси фаолияти йўлга қўйилди

Мамлакатимиздаги 18 та Меҳрибонлик уйи ва 3 та Болалар шаҳарчасида бугунги кунда 1868 нафар бола тарбияланмоқда. Бу даргоҳ туғилибқоқ ҳаёт зарбасига дуч келган, ота-она меҳридан мосуво турли тақдир эгаларини, ўқик кўнглиларни бир том остида бирлаштиради. Мурғак қалб эгаларининг тақдирини ҳам бевосита ана шу уй билан туташ. Бу масканда орзулари бир олам, синовларга бардошли ўғил-қизлар яшайди.

Меҳрибонлик уйларида яқиндан бошлаб кадрлар тайёрлашда ягона платформа – “Камалак” болалар ташкилотининг Сардорлар кенгаши ташкил этилди. “Тэлим”, “Маданият”, “Имкон”, “Спорт”, “Экология” ва “Матбуот ва медиа” каби йўналишларда сардорлар сайланди.

Шу муносабат билан Олий Мажлисининг бола ҳуқуқлари бўйича вакили Алия Юнусова, “Камалак” болалар ташкилоти раиси Индира Холдорова ва Республика Сардорлар кенгаши вакиллари Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё, Сирдарё, Жиззах, Андижон, Фарғона вилоятларидаги Меҳрибонлик уйларида бўлиб, янгидан ташкил этилган Сардорлар кенгаши фаолияти билан танишилди.

— Давлатимиз Меҳрибонлик уйларида яшаётган болалар учун ота-она ҳисобланади, — дейди Республика “Камалак” болалар ташкилоти раиси Индира Холдорова. — Бундай масъулиятли жараёнда улар учун сирдош дўст бўлишга ҳаракат қилишимиз. Меҳрибонлик уйларида энди бизнинг вакилларимиз — сардорларимиз бўлади. Сардорлар кенгаши йўналиши беш йил мобайнида умумий ўрта таълим муассасаларида минглаб иқтидорларни кашф этишда тизимий платформа сифатида ўзини оқлади. Сардорлар тенгдошларини касб-ҳунарга йўналтиришда кўмаклашилади. Сардорлик фаолиятлари давомида тажриба эгаллаб, тайёр кадр сифатида шаклланишади.

Маржона ЖҲУРАҚУЛОВА,
Республика «Иттифок» сардори.

МУРОЖААТНОМА

Давлат ва жамият бошқарувида аёлларнинг ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлаш – ислохотларимизнинг энг устувор йўналишларидан биридир.

«ГАР ОДАМСЕН МУҲАББАТ ИХТИЁР ЭТ»

Нодираи Даврон... Қалбимизда адабиётга ўзгача бир ихлос уйғона бошлаган кунларданок бу исм бизни ЎЗИГА оҳанрабодек торта бошлаган эди. Гарчи шоиранинг ўзи яшаган замона адабий тартиботлари асосида ёзган ғазалларини ўсмирлик шууримиз билан тўла англай олмасак-да, уларнинг жарангдор исларига ҳам мафтунлигимиз бор эди. Вақти келиб билдикки, шоиранинг исмига қўшилган “Даврон” шунчаки қўшимча эмас экан...

“Саодат” журнали учун Сурхондарё вилоятидан материаллар тайёрлаш жараёнида ушбу ҳудудда IX-X асрларда фаоллиги олиб борган, етти иклимдан илм олиш талабиди келган аёлларга дунёвий ва диний билимлар берган “Қирқиз” дорухлима ҳақида анча кенгрок маълумотлар олдик. Унга кўра, бу дорухлимага ўз даврининг ўқимишли, оқила аёлларидан бири Танзиллаи Даврона асос солган, кейинчалик яна бир олима аёл Рухайдаи Даврона “Қирқиз”га етакчилик қилган. Кўриниб турибдики, “Даврон” бу илми, ақлу до-нишлиги билан замонасининг эътирофига муассар бўлган, лойик қўрилган аёлларга бериладиган тахаллус бўлган.

Нодира исмидан ташқари Комила, Макнуна каби тахаллуслар билан ёзган асарлари эл орасида шуҳрат қозонган шоира ижод жараёнида ҳам, ҳаётда ҳам бу тахаллус юкни шараф билан кўтарди. XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқон хонли-гини бошқарган, тарихда илм, маърифат ҳомиеси сифатида ном қолдирган Амир Умархон жуфти ҳа-полликка ҳар жиҳатдан етук, ақли расо, ёлғиз қол-ганларида ҳам дилбар суҳбатдош бўла оладиган, кези келганда давлат масалалари борасида ҳам фикрлашга қодир, турли даражадаги давраларда ёнига ярашадиган аёлни танлаши табиий эди. Шу мезонларга кўра баҳасасак муҳтарам Нодирабе-гимнинг тарихимиз ва адабиётимиздаги баланд ўрнини аниқ тасаввур қиламиз.

Бирок том маънодаги шоир ва шахс даражасига кўтарилиш ҳеч қайси замон ва маконда ҳеч қайси аёлга осон бўлмаган. Ҳатто Нодираи Даврондек тождорга рафиқа бўлган, кейинчалик ўзи тахтта эгалик қилган инсонга ҳам... Шоирани изтиробрлар, ғамлар улғайтирган, йўқотишлар, айрилиқлар, фироклар уни бардош, матонат кишисига айлан-тирган. Тўғри, турмушининг дастлабки йилларида Нодирабегим махалилик саодатидан, оналик су-руридан, муҳаббат ва вафо нашидасидан хушбаҳт яшади. Бу ҳақида ўзи тартиб берган девони деб-басида ҳам тўлиб-тошиб ёзади: “...Андоғки асоят



гулистонининг шажареси ва нажобат бўстонининг самараси... сайид Мухаммад Умар баҳодирхон навароллоху марқадаху висол маснадида қўмақ-дошим ва иттиҳод сарида ҳамфирошим эрди...”. Маликанинг ўша пайтдаги кайфияти шеърятда куйидагича ифодаланади:

Эй хуш ул кўнларки васли базмида масрур эдим.

Шоду хуррам давлати дийдорига мағрур эдим.

Бирок қисмат шоирага бу саодатни кўп кўрди: Амир Умархоннинг бевақт вафоти Нодирабегим-нинг суянч тоғига суяниб осойишта кечаётган кўнларига яқун ясади.

...Сабру қарор кетди мен зору бенаводин.

Андух бирла қолдим сийду Умар ғамда.

Шу палладан эътиборан Нодирабегим зим-масига жуда залворли юкни олади. Давлатчилик тарихимиздаги энг қийин даврда, яъни хонлиқлар орасидаги ўзаро низолар кучайиб, шу гирибодда Қўқон хонлиги ҳам заифлашган, чор Русиясининг Ўрта Осиёга қизиқиши жуда ортган даврда бир аёл, шоир қалби аёлнинг халқ тақдирига жавоб-гарлики елқасига олиши катта жасорат эди. Таомиллар, расм-русумлар қандай бўлишидан қатъи назар, Нодирабегим бу огир юкдан ўзини ҳузур-ҳаловат панасига олиш учун йўл топиши мумкин эди. Чунки тахтта ошқлар ҳамиша топилади. Агар шоирада заррача мойиллик бўлганида маликани фарзандлари билан бирга қўшиб олишга, сўнг

унинг воситасида тахтта етишишга тайёр орзу-мандлар, ўйлаймизки, атрофда бисёр эди. Лекин шоира осон йўлни танламади, билиб, англаб туриб бўронларга қарши борди.

Бизнинг назаримизда, шоира шахсидаги энг ёрқин нуқталардан бири ҳам ана шу. Инсоният тарихида тожу тахт имкониятларидан ўз шахсий ороми йўлида фойдаланган ҳукмдорлар озмунчми? Лекин Нодираи Даврон ўз исми, ўз тахаллусига садоқат сақлаган ҳолда халққа бош-чилик қилиш вазифасини шараф билан адо этди. “...Масокин ва бенаволарга хайру эҳсонлар бирла баҳра етурдим. Карам ва ато хонидин фуқаро халқини мамнун ва мустағни айлаб, марҳамат ва шафқатлар кўргүздим... Фазлу дониш қабиласига шафқат ва марҳаматдин онча иноятлар кўргүз-думким, эътибор даражасига тараққий қилдилар”. Шоиранинг ўзи ёзганидек, у сипоҳиларга ҳам, тужжорларга ҳам ихтиёрида бор яхшиликни қи-лади. Амир Темур ҳазратлари барпо этган буюк Туркистон салтанатини жоҳиллик, ҳасад, ноаҳил-лик каби иллатлар ичдан емираётган бир паллада халқ, миллат сифатида йиллар давомида қўлга киритган моддий, маънавий бойликларимизни асраб қолишга жон-жаҳди билан ҳаракат қилди. Айна пайтда шахсиятидаги юксалиш, одамийлик, фуқароварлиқ туйғуларининг кучайиши Ноди-рабегим иқодида ҳам ёрқин бир тарзда акслана бошлади. Бир пайтлар ўзини Амир Умархоннинг қалқарига шоғирди деб билган шоира иқодида ижтимоий туйғулар кучайди.

Эли айбини зоҳир этмоғлиг

Йўқдур инсоф ила муруватдин.

Улки, эл айбини қилур пилхон.

Тангри сақлар ани ҳар офатдин.

Албатта, Нодирабегим ўз даври адабиётининг вақили сифатида шеърятдаги анъаналардан бу-тунлай узоқлашиб кетолмади. Ҳазалларида ҳам муҳаббат мавзуси етакчилик қилди. Лекин унинг ошқоналари аро ҳам адолат истовчи, ҳақиқат изловчи юрагининг зарблари аниқ сезилиб туради:

Бўлмаса ошқка зар ёр висоли мақсуд,

Орзуи ҳаваси жону жаҳон барча абас...

Мисраларидан сўнг келадиган:

Фуқаро ҳолига гар боқмаса ҳар шох анга,

Ҳашмату салтанату рифъату шон барча абас.

Шоҳ улдирки, райятга тараххум қилса,

Йўқ эса қондаш амну амон барча абас,—

мисраларига сингдирилган фикрлар юқорида келтирилганларимизни тасдиқлайди. Шоира шеъ-рийати дунёсига кирар экансиз, ҳар гап уни янгидан кашф этаверамиз. Унинг ғазалларидаги:

Зема қошинни хами бўлголи эл саждагоҳи,

Қаъба деворида ҳайрат ила қолмиш меҳроб...

каби сатрларига бадиият, ифода усуллари нечоғлик ҳайратга туширса,

Ҳақонда, Нодира, ишқ ихтиёр эт,

Муҳаббатсиз кечурган ҳайф аёқот,—

каби мисралари ҳам шунчалик мафтун қилади.

Ўқиганларимиздан кўриниб турибдики, Нодира-бегим шеърятга фақат гўзал сувратдек таассурот туғдирмади, у ҳаракатдаги шеърят, сўзлари ти-рик, жонли, изтироб кеади, даъват қилади.

Дунё чаманини булбулусен,

Гул шоҳида ошён этиб кет...

Шеърятнинг асл вазифаси туйғуларни тарбия қилиш, қалбни ҳаракатга келтириш. Бизнингча, санъат жиҳатидан баҳоланса ҳамфикр тарозисида тортилса ҳам Нодирабегим ғазаллари вақт сино-ларига дош беради.

Мақсад на эди ҳақона келдинг?

Кайфиятини баён этиб кет,—

мисраларининг кеча ҳам, бугун ҳам яшаб ке-лаётганининг сабаби ҳам шунда.

Нима учун ана шундай элпарвар, миллат аёлларига хос энг керакли фазилатлар (садоқат, одоб-ахлоқ)ни ўзда мужассам этган, икки нафар ўғил фарзанд тарбиялаган, саройда, сарой ташка-рисида ҳам ўнлаб таъби назми бор хотин-қизларга ҳомилий қилган маликанинг ҳаёти фожеали яқун топди? Албатта, тарихнинг бу аламли саволига жавоби бор. Лекин бир ҳақиқат борки, яхши-ёмон дақиқаларда, огир-енгил кунларда бир-бирини “бо-тирим” деб, “яхшим” деб суймаган, суймаган халқ яхшиларини бой бераверади. У Насруллохон қўли билан қатл этиладими, ё қотил бошқа бўладими, ноаҳил, бирлашмаган миллатнинг тақдир йўллари мана шундай огир йўқотишлар аро кеади. Узоқни қўя турайлик, яқин кечмишдаги Абдулла Қодирий-лар, Чўлпонлар фожиаси ҳам бу фикримизнинг исботи эмасми?

Қай бир ноҳақ ўлим боис умр дарёлари оқиш-дан тўхтаган таниқли миллатдошимиз ҳақида гап кетса, “Унинг халқ, юрт учун қилган ишлари абадий яшайди”, дея ўзимизга таскин берамиз. Албатта, бу гапда хатолик йўқ, лекин шу халққа яна қўллаб шараф келтириши мумкин бўлган истеъдод уволи-ни ким тўлайди?!

Кошки, Нодирабегимдек сўз санъаткори, оташқалб шоира ҳақидаги мўъжазгина фикрлар-симз бундай аниқ савол билан тугамаса эди... Лекин юрак жароҳатларимизга малҳам бўлувчи бир яхшилик бор: бу — бугунимиз. Эзгуликлар ат-рофида жипслашадиган, халқ бўлишга интилаётган миллатдошларимизнинг бугунги ҳаёти, эришадиган ютуқлари, руҳиятидаги яхши ўзгаришлар бизга бутун умидлар бахш этмоқда. Замонлар оша ҳам-мамизга:

Муҳаббатсиз киши одам эмасдур,

Гар одамсен, муҳаббат ихтиёр эт,—

дея оловли сўзлар билан боқиб турган шоираи давронимиз ҳам ана шу нурлар оғушида нурланиб кўринади.

Мунаввара УСМОНОВА,
“Саодат” журнали бош муҳаррири,
Ўзбекистонда хизмат қўсатган
маданият ходими, шоира.

МАТЕБУОТИМИЗ ЖОНКУЯРЛАРИ

Жамиятимизда аёлларимиз ҳар соҳада фаол. Аёл ўқитувчи, шифокор, ижодкор, фермер, қисқаси, барча соҳаларда уларнинг иштирокини кўра-миз. Мен билган жонкуяр матбуот ходимларидан бири — “Иштихон овози” газетаси муҳаррири Гулчехра Усмонова бутун борлиги билан ижод қўйни-га сингиб кетган, фарзандларини ҳам ортидан эргаштираётган шижоатли аёл. Журналист она оилада талабчан тарбиячи, меҳри жўшқин она, қўни-қўшниларга яхши фазилатлари билан ибрат бўлган оқибатли инсон.

“МЕН УМРИМНИ СЎЗГА БОҒЛАДИМ...”



Кўп йиллардан буён тадбиркорлик билан шуғулланаман. Умумий оёқатла-ниш, маиший хизмат, савдо-сотик ишлари фаолиятимнинг асосини ташкил этади. “Мурувват” ва “Саховат” уйлари, болалар боччалари, кам таъминланган оилалар, ногиронлиги бўлганларга доимий равишда моддий жиҳатдан қўмақ беришга ҳара-кат қиламан. Қилаётган ишларимга кўп ҳолларда журналистлар қизиқишади. Шу сабабдан бўлса керак, бу соҳа эгаларидан дўстларим кўп. Ўзим ҳам газета-журнал мутлоасига ўч одамман. Китоб яқин дўст, матбуот наشرлириси ҳаётни тасаввур этиш қийин.

Ўзим ҳам шу туманда яшаганимдан биламанки, Гулчехра она узоқ йиллардан буён мазкур нашрда ишлайди. “Онамга ўхшайман” номли шеърлар тўплами, “Бир газета тарихи”, “Синови сўқомлар” номли публицистик мақолалардан иборат китоблари билан танишман. “Иштихон-нинг фидойи инсонлари” китоби чоп эти-лиш арафасида. Газетада кўтарилаётган муаммолар, уларнинг ечими ва бугуннинг долзарб мавзулардаги мақолаларини қизиқиш билан ўқиб бораман.

Яқинда Гулчехра Усмонованинг 8 март — Хотин-қизлар байрами муноса-бати билан жамият ҳаётидаги фаолли-ги учун “Мўътабар аёл” кўкрак нишони соҳибаси бўлганлигини айтиш бехад

қувондим. Кейин теле-фон орқали ўзи билан боғланиб, бироз суҳ-батладим, муқофот билан табрикладим. Опанинг ижодий ҳаёти билан қизиқдим. Гулчехра Усмонова умумтаълим мактабиди ўқиб юрган кезларидаёқ туман газетаси билан ҳамкорлик қилди. Иш-дан ажралмаган ҳолда Ўзбекистон Миллий уни-верситетининг журна-листика факультетини 1980 йилда битирди. Ўстибориқли, меҳнат дафтарчасида бир жамоа қайд этилган, бу “Иштихон овози” тахририяти. Умр бўйи шу нашрнинг ўзида ишлаб келаяпти. Мухбир, бўлим мудири, муҳаррир ўринбосари каби маъсулятли босқичларни ўтади. Турмуш ўртоғи Исоқ Бобоев билан мактабда бир синфда таъ-лим олишган бўлса, бир умр бирга “Ишти-хон овози” тахририятида ишлашди. Фақат фарқи, Гулчехра Усмонова муҳбир, муҳар-рир бўлган, турмуш ўртоғи эса ҳисобчи.

— Турмушимиздаги ўхшашиқлар фар-зандларимиз ҳаётида ҳам кўзга ташлана-ди,— дейди Гулчехра она.— Катта ўғлим Олимжон ва келиним Муҳаббат кимё фани ўқитувчиси, Илҳомжон ва келиним Матлуба Самарқанд иқтисодиёт ва сер-вис институтида тахсил олишди, бугунги кунда иккинчи мутахассислик учун ЎзЖО-Кўда ўқиб, билимларини бойитишмоқда. Қизларим Замира ва Хулқар ўқитувчи, Гулмира ҳамшира.

Гулчехра она умрини журналистикага бағишлагани, сўзларининг оҳанрабоеси билан боғланишига сира афсусланмайди. Аксинча, эл дарди билан яшаганидан қу-вонади. Шу билан ўзини бахтли ҳис этади.

Мавлон ОҚИЛОВ,
тадбиркор.

“АЁЛГА БАХТ БЕРИНГ, САОДАТ БЕРИНГ...”

Дастлаб устозлардан сабоқ олсан-да, гоҳ машаққат, гоҳ саодат ила бир-бир босиб ўтилган йиллар узра ўзинг ҳам устозга айланиб қолганингни сезмай қоласан. Бу азиз даргоҳда ишлаётганимга ҳам 20 йилдан ошди. Бу ерда не-не инсонлардан ҳам ҳаётини, ҳам илмий сабоқлар олдим. Қанча-қанча қалблари эзгуликка йўғрилган инсонлар билан ҳамроз, ҳабиб бўлдим.

Қарийб ўттиз йиллик касбий фаолиятим мобайнида англаб етганим шу бўлдики, ҳаётда ўқитувчидек ўз оромидан кечиб, ўзгалар камолоти учун жоннисор бўлган фаолият соҳибга бўлмаса керак. Бир навиҳол инсоннинг келажақ толеи, эзгу орзу умидларининг рўёби учун жонкуярлик қилмоқ фақат ва фақат ўқитувчилик касбияга хосдир. Тошкент давлат транспорт университетини академик лицейи ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, гуманитар фанлар кафедраси мудири Сабоҳат Тўхтабоева билан бирга ишлаётганимга 10 йилдан ошди. Дастлаб ундаги фидойиллик, ўз касбияга садоқат, сийратидида самимият ва пок қалби мени ўзига оҳанграбодек жалб қилди.

Сабоҳат ўзбек адабиётининг забардаст адаби, миллатнинг жасур ўғлини Эврил Турон (Мамадали Махмудов) хонадониди дунёга келган. Болалигидан эзгу сўз, эзгу ният, садоқат, меҳр-муҳаббат, хушодобу хушхулқ, бегуборлик, соддадилликка туташиб кетган эзгу фазилатлар оғушида ўсиб улғайган. Унинг не-не фозилу фузалоларни бағридан учирма қилган Тошкент давлат дорилфунун филология йўналишида тахсил олиши ҳам туғилиб ўсган хонадонидида адабиётга, ижод ахлига бўлган муҳит билан чамбарчас боғлиқ, деб

ўйлайман.

Сабоҳат Тўхтабоева мамлакатимизда бўлаётган янгиланишлар, ўзгаришлар, ислохотларни мураббий нигоҳи ила ҳамиша зийраклик билан кузатиб боради. Айниқса, Президентимизнинг тўртинчи ташаббус — ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонлиқни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш борасида фаолияти давомида бир қатор самарали ишларни амалга ошириб келмоқда.

Пайғамбаримиз Мухаммад саллолоху алайҳи вассалам сарвари коинотнинг “Илм дунёда азизлик — охиратда эса шарафдир”, деган муборак ҳадислари бор.Илму ирфон, зиё, тафаккур ва ҳикматлар тимсоли бўлган муаллим таъбир жоиз бўлса, ўз қалбини ўзгалар учун фидо қилувчидир.

Инсон илк ҳаётини сабоқни оилада олади. Сабоҳатнинг илк фаолияти ҳам муаллимликдан бошланган ва ҳанузга қадар шу йўлда собиту садоқат билан ишлаб келмоқда. “Ҳар қандай жоҳилликни илму маърифат ила енгмоқ мумкин”— дейди у эзгу сўзларидан. Бор жойда ўзаро ғўрбатловчи бор жойда жаҳоллат бўлмади, барча ёмонликлар енгилди. Кейинги йилларда мамлакатимизда ўқитувчи-мураббийларнинг моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши борасида мамлакат раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг шахсан ташаббуси билан қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда. “Муаллимни қадрлаган эл — саодат куёши чаргон юртдир”,— дейди Сабоҳат.

Сабоҳат Тўхтабоева ҳар сафар дарсга кираркан, мамлакатимизда ёшларнинг таълим олиши, касб-хунар эгаллаши, етук инсонлар бўлиб улғайиши йўлида замонавий, илғор инновацион шарт-шароитларни яратиб берилгани, ёшлар фақат ва фақат ўз устиди мунтазам ишлаб, ота онасининг, устозларининг юзини ёруғ қилиши кераклигини талабаларига такрор-такрор айтишдан чарчамайди. Эртага


эса юксак билимли, замонавий фикрлайдиган, қатъий позицияга эга ёшлар Ўзбекистонимизнинг эртанги тараққиётида тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бориши шубҳасиз.

Ўйлайманки, эртанги кунимизнинг эгаси бўлган маънавий етук, кимсонан соғлом, ватанпарвар ва фидойи этиб тарбияланган ёшлар Сабоҳат каби устозларнинг машаққатли меҳнати самарасидир. Қарийб ўттиз йилдики, педагогик тизимда ишлаб келаётган Сабоҳат Тўхтабоева ибратли хонадоннинг сеvimли бекаси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоевнинг ардоқли келини, уч фарзанднинг меҳрибон волидаси, бугунги кунда бир-биридан ширин набираларнинг эртакчи бувижониси ҳамдир. Унинг эзгулик ва олийжаноблик сифатлари бошқаларнинг ҳам ҳаёт йўлларини шамчирок каби ёритади. Бундай соҳир қалб соҳибларининг умр йўллари кейинги авлодлар учун ҳам ибрат мактабига айланди. Мен ҳар кун қалбимда ёруғ бир шодлик билан ишга шошиб келаман. Чунки Сабоҳат каби жонкуяр,— фидойи инсонлар билан бирга ишлайман, у каби замондошларимиз минглаб турли жаҳалларда ҳалол ва садоқат билан хизмат қилмоқда. Шу ўринда таниқли шоира Зулфия Муминованинг ушбу шеърин сатрларини келтиришни жоиз деб билдим.

Аёлга бахт беринг, саодат беринг, Деманг юрибди-ку қулиб, жилмайиб. Аёл қулиб туриб ўлиши мумкин, Дунёни олиши мумкин жилмайиб. ...Аёлга бахт беринг, саодат беринг, Иллохи нур топинг, ҳидоят топинг. Иллохи бахт берган аёл ёнидан Бахтиёр ўтмоққа иноят топинг... Аёлга бахт беринг, саодат беринг, Тоғ қимирлаб, тошлар сўзга кирса-да Аёлга бахт беринг, саодат беринг,— Олтимиша кирса-да, юзга кирса-да.

Гулнора НАЗАРОВА,
Тошкент давлат транспорт университети академик лицейи химия-биология фани ўқитувчиси, ижтимоий фанлар кафедраси мудири.

ҲУҚУҚИЙ ИСЛОХОТ



ИНСОН МАНФААТИ ЙЎЛИДА

Фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини юксалтириш, ишларни судда қўриш сифатини ошириш ҳамда ҳолис, адолатли ва қонуний суд қарорларини қабул қилиш учун тарафларнинг тенглиги ва тортишувчанлигини амалда таъминлаш механизмларини кенгайтириш мақсадида Президентимизнинг 2020 йил 24 июлда “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Мазкур Фармоннинг муҳим жиҳати шундаки, унга кўра суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чораларини кучайтириш, одил судловни самарали таъминлаш ҳамда судьялар ҳамжамияти ролини ошириш кўзда тутилган.

Ушбу ҳужжатда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган лозим бўлган бир нечта устувор вазифалар белгиланган. Фармон ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган ва Давлатимиз раҳбари томонидан 2021 йил 8 февралда имзоланган “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонуний алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ҳамда фуқароларнинг одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида 2021 йил 1 январдан бошлаб вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ишлари бўйича, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар неғизда судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ва суд ишларини юритиш турлари бўйича алоҳида судлов ҳайъатларини ташкил этган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумюрисдикция судларини ташкил этиш белгиланди.

Аҳамиятлиси, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни қўришга ихтисослаштирилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманлараро маъмурий судларини ташкил этиш, шу муносабат билан туман (шаҳар) маъмурий судларини тугатиш, бунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари сақлаб қолиниши назарда тутилди.

Асосий қонунимизга киритилган ўзгартишлар суд тизимини бошқариш масалаларини такомиллаштириш билан бир қаторда, фуқароларнинг судма-суд сарсон бўлиб қўришга барҳам бериб, уларнинг муаммоларини бир жойда ҳал қилишга имкон беради. Дарҳақиқат, янгиланаётган Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамияти барпо этиш ва инсонларда демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлида амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотлардан қўзланган асосий мақсад инсон, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашдир. Асосий Қонунимизда белгиланишича, демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Инсонни улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳар томонлама алоҳида топтириш Конституциянинг асосий гоёсига айлантирилган. Зеро, шахсининг шаъни ва қадр-қиммати, унинг ҳаёти ва соғлиғи ёки шахсий эркинлиги ҳамма нарсадан устун. Хулоса ўрнида айтиш керакики, суд тизимининг ихтисослашуви ўз навбатида фуқароларга қулайликлар яратиш билан биргаликда ишларни судларда қўриш сифатини оширади.

Қаҳрамон МИРСАФОВЕВ,
Жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг судьяси.

МУРОЖААТНОМА

Суд тизимида рақамлаштириш янада кенгайтирилиб, фуқароларимизга суд биносига келиб юрмасдан, “онлайн” тартибда мурожаат қилиш имконияти яратилади. Шунингдек, фуқаролар ўз аризаларини кўриб чиқиш жараёнини масофадан туриб кузатиб бориши мумкин бўлади.

МУЛОҲАЗА

МАЪНАВИЙ ТАРБИЯГА САЛБІЙ ТАЪСИР КЕЛАЖАККА ХИЁНАТДИР

Бугун мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни бунёд этиш, Учинчи ренессанс пойдевори яратишдек улғу мақсад йўлида амалга оширилаётган тарихий ислохотлар жараёнида ёшлар таълим-тарбияси ҳар қачонгидан ҳам муҳим вазифага айланди. Президентимиз таъкидлаганидек, бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўйиб бўлмайди. Қадим ҳақиқат бор: бўшлиқ пайдо бўлса, уни ёт гоёлар тўлдирди, агар ёшларимиз тарбияси билан ўзимиз шугулланмасак, бошқалар “шугулланади”, фарзандларимизни биздан узоқлаштиришади, бегоналаштиришади, олиб қўйишади. Дарҳақиқат, бугун ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир этаётган ҳолатлар оз эмас ва бу борада айрим мулоҳазаларни айтмоқ ўринлидир. Зеро, донишманд бобоми Юсуф Хос Ҳожиб:

Ёмон, ёмонлики ҳар кун таҳқирла,
Яхши, яхшилики ҳар кун тақдирла,
деганлар.

Барчага маълум, бугун ахборот тайёрлаш ва тарқатишга монелик йўқ. Ҳар ким ҳар турли усулда ахборот тайёрлаш ва тарқатиши мумкин.

Бироқ ахборот тайёрлаш ва тарқатишда Асосий қонунимиз – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, амалдаги қонунларимизга қўра, инсон ҳуқуқи ва қадр-қимматиға ҳурмат билан қараш зарур.

Ҳар қандай ахборот тарқатувчи тарқатаётган маълумоти учун жавобгарликини ўз бўйига олиши, шунингдек, ушбу материали ўқувчисиға нима бериши юзасидан ўз виждони олдига ҳам жавоб бериши лозим.

Оммага етказилаётган ахборотнинг сифати, нимага қаратилгани, яъни гоёси уни тайёрловчининг билими, ички дунё қарши, интилиши ва маънавияти билан қарб-қарас болғик эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Афсуслар бўлсинки, бугун интернет тармоқлари орқали тарқатилаётган хабарларнинг барчасини ҳам инсоният учун зарур ёки фойдали, дея олмаймиз. Аксинча, айна пайтда интернет тармоқлари орқали кўпроқ хиёнат, фахш, жаҳолат ҳақидаги, ҳатто айтишга ҳам тил бормаидиган, маънавиятимизга буткул ёт гап-сўзлар, маълумотлар тарқатилмоқда. Айримлар эса муомала маданиятини буткул унутган ҳолда одоб-ахлоқ қоидаларига зид равишда бир-бирини шундай ҳақоратламоқдаки, инсон зотига номуносиб, бундай ҳолатларга бефарқ томошабин бўлиб қараб туриб бўлмайди.

Тахлилий қараганда, фахш, зўравонлик ёки ивводан иборат маълумотни тарқатаётганларнинг мақсади битта, у ҳам бўлса “лайк” йиғиш, ўқувчисини кўпайтириш, моддий манфаат кўриш. Тайёрлаган материалнинг кўпчилигика, айниқса, ёшларга салбий таъсир этиши билан уларнинг иши йўқ. Улар учун кимнингдир шахсий фожиасидан фойдаланиш уят эмас.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ЦЕМЕНТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТИ ОРТМОҚДА

Жорий йил 1 октябрга қадар цемент маҳсулотларини мамлакатимиз ҳудудига олиб киришда божхона божининг ноль ставкаси қўлланилиши белгилаб қўйилган

Бу ҳақда Миллий матбуот марказида “Ўзсаноатқурилиш-материаллари” уюшмаси томонидан ўтказилган матбуот анжуманида айтиб ўтилди.

Шунингдек, тадбирда мутахассислар Инвестиция дастури доирасида режалаштирилган ишлар борасида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирди. Шу билан бирга, жорий йилда 863 лойиҳага барча манбалар ҳисобидан 2,1 миллиард доллар, шундан 1,44 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилиши натижасида умумий қиймати 1,45 миллиард доллар бўлган 793 лойиҳа ишга туширилиши режалаштирилаётгани ва бу орқали 20,7 мингта янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилаётгани тўғрисида ҳам маълумотлар берилди.

— Жорий йилда қурилиш материаллари соҳаси бўйича 270 миллион долларлик маҳсулотлар экспорти амалга оширилади, — дейди “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси бошқаруви раиси маслаҳатчиси Жамшид Шерметов.

Бугун бировнинг ортидан гапириш, асоссиз гап айтиш, иғво қилиш одатий ҳолга айланиб қолди. Ваҳоланки, Қўрьони қаримнинг Хужурот сурасида: “Эй мўминлар! Кўп гумон(лар)дан четланингиз! Чунки баъзи гумон (лар) гуноҳдир... бирингиз бирингизни гийбат қилмасин! Сизлардан бирон киши ўлган биродарининг гўштини ейишни хоҳлайдими?! Уни ёмон кўрасиз-ку, ахир!”..., дейилади, яъни иғво қилишнинг ўлган одам гўштини тановул қилиш билан баробарлигига ишора қилинади. Ҳам дунёвий, ҳам диний таълимотга зид бўлган ахборотларни тарқатувчиларда “Бу тайёрлаган материалимдан одамларга нима наф? Мен ўзи нимани тарғиб қилаёман? Буни фарзандим, аёлим ёки ота-онам кўрса, нима дейди?”, деган ўй бўлганида қанидиди!.. Ачинарлиси, ушбу тарқатилаётган маълумотларни барча, шу жумладан, ҳали оқ-қоранинг фарқиға бормаидиган ёшларимиз ҳам кўраётганида!

Уларда, “шундай қилиш мумкин экан”, деган тушунча шаклланаётганида ва уларнинг аста-секин азалий қадриятларимиздан узоқлашиб бораётганида! Алал-оқибат ота-бола, она-қиз, эр-хотин ўртасидаги муносабатларга путур етаётганида!

2020 йилда 728 нафар вояга етмаган шахс, яъни болалар жиноят содир этганлиги учун судлангани ва бу кўрсаткич 2019 йилдаги нисбатан 51 тага ошгани ана шулар натижаси эмасми? Вояга етмаганлар томонидан жиноятга қўл урилатгани бу биз катталарнинг айбимиз, яъни тарбияда қилган хатоми эмасми?

Зеро, минг йилликларга бориб тақалувчи, асрлар синовидан ўтган ота-боболаримиздан ўтиб келаётган қадриятларимиз топталишиға эмас, аксинча ўзбекона муомала, андиша, ҳурмат, аъёна, бир сўз билан айтганда, ўзлгимизга, ёшлар тарбияси ва эртанги кунимизга бундай муносабатда бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Кимдир бундай салбий таъсир этувчи маълумотларни тарқатаётганлар эмас, кўраётганлар айбдор, кўрмасин, олам гулистон, дейиши ҳам мумкин. Одам психологиясидан маълумки, тақикнинг ўзи қизқишни келтириб чиқаради. Шунинг учун “биргина кўрманглар”, деган билан масала ҳал бўлиб қолмайди. Яна, бугунги кунда аксарият ёшларимиз, ҳатто мактаб ўқувчиси ҳам интернет тармоқларининг фаол фойдаланувчиси эканлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Ёш имом укаларимиздан бири оила, фарзанд тарбияси борасидаги суҳбатимиз асносида ўн тўрт ёшга тўлиб-тўлмаган ўғли очик фахш акс этган видеолаҳзани телефонига (адашиб) ташлаб юборганлигини сўзлай туриб, кўзига ёш олиб, “Болам бу ёшда шу нарсани кўриши керак эмас эди, у маънавий жароҳат олди, буни энди қандай



тузатиб бўлади”, деб афсусланди.

Дарҳақиқат, ёшларимизнинг кўнгил мулкиға, дунёқарашига салбий жароҳат етказишнинг, ахборот технологиялари орқали тарқатилаётган миллий қадриятларимизга ёт бўлган турли-туман ҳаёсийлик, иғво, жаҳолат, зўравонлик каби иллатларнинг синдирилиши ва шу йўл билан уларнинг онги заҳарланишининг олдини олиш масаласи энг долзарб масаладир.

Айниқса, уларни интернет каналлари ва телевидениелар орқали намойиш этилаётган видео маҳсулотларнинг салбий таъсиридан асраш масаласи ўта муҳимдир.

Зеро, кўпгина хориж кинофильмларида бизнинг асрий маънавиятимизга ёт гоёлар, хусусан, оила аъёлолари ўртасидаги ўзаро муносабатлар, эр-хотин ўртасидаги ўзаро бир-бирига ҳурмат, садоқат ўрнига бир-бирини менсимаслик, ҳурматсизлик ва хиёнат танқидий ёндашилган ҳолатда эмас, аксинча оддий ҳолат сифатида ёритилаётгани нафақат ёшлар, айрим катта ёшлар онгига ҳам аста-секинлик билан таъсир этиши табиий.

Шу ўринда, ёшларни кўя турарлик, тарғиботнинг катта ёшлар онгига таъсири борасида ҳам ҳаётий бир мисолни келтириб ўтиш жоиз.

“Ота” қисқа метражли фильми сценарийси устида ишлаш жараёнида режиссёр Дилмурод Масаидов ўзи эшитган – ҳаётда бўлган бир воқеани гапириб берган эди.

Танишларидан бири ишдан қайтиб уйига кирса, турмуш ўртоғи намойиш этилаётган чет эл сериалини берилиб кўраётган экани, ҳатто турмуш ўртоғининг кириб келганини ҳам сезмай қолди. Сериалда эри бор аёл бегона эркак билан учрашиб турган жойға аёлинг эри келаётган саҳнани кўраётган

аёли, фильмдаги хиёнаткор аёлға қарата “Қоч, қоч тез, эринг келаяпти” дебди.

Буни эшитган эр хотинидан “Нега сен хиёнаткор аёл тарафини оляпсан?” деб сўраган экан...

Яна савол туғилад, аждодларимиз авайлаб, ардоқлаб келган қадриятларимиз – шарқона шарм-ҳаё, уят, ор-номус деган тушунчалар ҳам бугун айрим-ларимиздан бегоналашиб бораётгани сабаблари нимада, ёшларимиз “бундай маданиятни” қаердан ўрганмоқда?

Албатта, ота-онасидан эмас, интернет ва айрим “телеюлдуз”ларимиз кўрсатаётган ортиқча қилиқларнинг натижаси эмасми бу?

Оммавий ахборот воситаларида берилган нафақат маълумот, оддий бир саҳна кўриниши ёки айтилик, телебошловчиларнинг кийиниши, ўзини туттиши, нутқи бошқалар учун ўрнатилган манбаи эканлигини унутмаслигимиз, интернет ва оммавий ахборот воситалари орқали маънавиятимизга қилинаётган тажовузлардан ёшларни асрамоғимиз лозим.

Шунингдек, бугун кичик ёшли набираларимиз топоғонликка чорловчи, гуруҳ бўлиб ишлашни ўргатадиган сизу биз ўйнаган турли уйинларни ўйнаб эмас, балки телевизор, планшету айфонлардаги уйинларни кўриб катта бўлаётгани, турли мультфильм “қаҳрамонлари”дан ўрнатилган дунёқарашдан бохабар ва эҳтиёт бўлишимиз, тўғриси, уларни эҳтиёт қилишимиз лозим.

Шунинг учун ҳам, ҳар қандай чет эл ҳамада ўзимизда яратилган фильмлар ва бошқа кино маҳсулотлари, ҳатто болалар учун тайёрланиб, тарқатилаётган интернет уйинлари-ю, мультфильмларни ҳам миллат маънавиятига қандай таъсир этиши нуктаи назаридан, унда нима тарғиб қилинаётганидан

келиб чиқиб баҳолаш ва кенг намоийиш этишга рухсат бериш масаласини ҳам ўйлаб кўриш лозим.

Муҳтарам Юртбошимизнинг Олий Мажлис Сенати биринчи мажлисидаги “... Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё содаот, ё фалокат масаласидир”, деган сўзларини такрор ва такрор айтишдан чарчамайман.

Нега деганда, шу фикр бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамиятга эга эканини унутмаслигимиз лозим...” деган кўрсатмаларига жиддий эътибор қаратишимиз зарур.

Ҳақиқатан ҳам, тарбия масаласи ўта муҳим. Айниқса, бугун ахборот тарқатиш чегара билмас даражага етган бир пайтда, биз ушбу масалага бефарқ қарасак, фарзандларимизнинг ахлоқи, тарбиясига безътибор бўлсак, улар маънавиятида миллий қиёфани асраш чораларини кўрмасак, эртага биргина “бу нотўғри, бу мумкин эмас,” деган тушунтиришларимиз мисқолча ҳам наф бермаслиги аниқ. Маънавий тарбияга салбий таъсир кўрсатаётган ҳар бир ҳолатни, бузғунчи ахборотлар тарқатаётганлар ҳаракати эртанги кунимизга, миллатимиз келажагига хиёнат, деб баҳолашмоғи жоиз.

Бугун ёшларимизни чинакам маърифат ва юсак маданият эгаси қилиб тарбиялаш муаммоси олдимизда кўндаланг турган бир пайтда уларни интернет тармоқларида ташвиқ этилаётган ёт гоё, урф-одат ва аъёналар ҳамада жаҳолат ва фахш намоийишининг салбий таъсиридан асраш мутафаккир бобомиз айтганидек, ростдан-да “ё ҳаёт, ё мамот” масаласидир.

Холмўмин ЁДГОРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
юртст.

ҚУЛАЙЛИК

Давлат хизматлари агентлиги тизимида бугун амалга оширилаётган ислохотлардан одамнинг ақли шошади. Жуда катта ўзгаришлар ва енгилликлар яратилмоқда.

ФХДЁ СОҲАСИДА ЭЛЕКТРОН ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ

Рақамлаштириш соҳа ходимларидан архив ҳужжатларини қайта компьютерга киритишни тақозо қилади. Кўпчилик билмаслиги мумкин, лекин ҳар бир ФХДЁ мудири ҳар кун иш юзасидан 50-60 йиллар аввал тўлдирилган фуқаролик ҳолатлари далолатнома ёзувларини варақлашга мажбур бўлади.

Қозғ кўринишдаги мазкур сақланмаларга доимо эҳтиёж мавжуд. Қарийб бир асрлик ҳужжатлар ичидан аҳоли талаби бўйича ниманидир излаб топиш, улардан нуска кўчириб, тасдиқлаб бериш лозим бўлади. Ким тугилганлик ҳақидаги гувоҳномасини қайта тиклаган, кимга мерос иши бўйича ўлим гувоҳномаси зарур бўлган, яна биров никоҳ гувоҳномасини қайта тиклашни истайди. Хуллас, ҳозирғача ФХДЁ архивдан ҳужжатлар олиш анчагина вақт талаб этиладиган ҳолат эди.

Шу боисдан, фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларини рақамли қўринишга келтириш бўйича давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори билан республикаимизнинг барча ҳудудларида ФХДЁ соҳасида рақамлаштириш ишлари бошланди. Бугун ФХДЁ идораларида сақланаётган жами 60 миллиондан ортиқ фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларининг қарийб 4,5 миллиони Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келади. Ҳозирги кунда пойтахтдаги мавжуд 15 та ФХДЁ органлари архивдаги далолатнома ёзувларининг 4 миллиондан ортиги рақамли қўринишга келтирилди. Тез ва қисқа муддатларда барча ФХДЁ архив маълумотномалари тўлиқ рақамлаштирилди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, қозғ кўринишдаги архив маълумотларини электрон шаклга ўтказиш ишлари учун яна 250 дан зиёд фуқаро билан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномалари тузилган. Улар вақтинчалик бўлса-да, иш билан таъминланган.

Қўйилган мақсад битта – ФХДЁ органлари архив ҳужжатларини рақамлаштириш билан электрон ҳукумат ҳамада он-лайн давлат хизматлари ривожланишиға эришиш ва фуқароларга қўлайликлар яратиш. Бунда энг аввало, фуқароларнинг кўп вақт кутиб қолиши ва навбатлар юзага келишининг олди олинади. Ушбу ислохот соҳада шаффофлик ва ошқораликни таъминлайди ҳамада давлат хизмати кўрсатиш жараёнида инсон омили аралашуви камайишиға яна бир қадм хисобланади. Натижада коррупция каби салбий иллатларнинг олди олинади ва бюрократик ҳолатларнинг йўқолишиға хизмат қилади. Келгусида рақамлаштириш ва электронлаштириш натижасида ФХДЁ соҳасидаги архив маълумотномаларини бир неча кунлар давомида эмас, балки соатлар ва дақиқалар ичида олиш имкони пайдо бўлади.

Жамшид ЮСУПОВ,
Давлат хизматлари агентлиги
Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи
уринбосари.



МУРОЖААТНОМА

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда тузилган Оролбўйи минтақасида инсон хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўп томонлама Траст фонди доирасидаги амалий ишларни янада кучайтирамиз.

УСТЮРТНИНГ СИРЛИ МЎЪЖИЗАЛАРИ

ёки бу ердаги табиат йирик туризм манзилларидан бирига айланиши мумкин

Мамлакатимизда туристларни ўзига жалб қиладиган ажойиб тарихий обидалар ва архитектура ёдгорликлари сон-саноксиз. Улар ичида кўп асрлик тарихга эга ёдгорликлар алоҳида ўринга эга. Лекин бугунги кунда ҳам инсоният учун жумбоқлигича қолаётган обидалар бор. Улар сирасига Англиядаги Стоунхендж тошлари, Перудаги Наска чўлларидан кўзга ташланадиган ҳар хил табиат мўъжизаларини мисол тариқасида келтириб ўтишимиз мумкин.

Бу обидалар инсоният тарихидаги энг қадимий ёдгорликлардан ҳисобланади. Улар кимлар томонидан ва қачон қурилганлиги ҳақида маълумотлар жуда кам. Бу ёдгорликлар атрофида археологлар неолит ва бронза даврларига оид бўлган буюм ва қабрларни топишган. Аммо бу топилмалар ушбу ёдгорликларнинг ўша даврларга тегишли эканлигини тасдиқламайди. Чунки ёдгорликларни кимлар ва қачон қурганилиги, улар нима мақсадда барпо этилгани ҳақида дунё олимлари ҳамон тортишмоқда. Ушбу тарихий ёдгорликлар ҳалқаро ЮНЕСКО меросига киритилган.

Ажойиб ва бир қарашда сирли туоладиган ёдгорликларни ўлкамизда ҳам кўллаб учратишимиз мумкин. Устюрт текисликлариде сақланиб қолган тарихий обидалар бунга мисол бўла олади. Устюрт платосида Пулўйи, Белеули, Аланг каби қадимий ва ўрта асрларга тегишли бўлган қарвонсаройлар ва шаҳарлар сақланиб қолган. Орол денгизининг бир қисми бўлган Судочье кўли, Урга, Қабантай жарлиги, Ақтумсик ва Дуана ажойиб табиий кўриниши билан инсонни ўзига ром этади.

Олимлар Устюрт текисликларига



ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб қизиқиб қолишган. Улар ҳаво кемалари ёрдамида биринчи марта суратга олиш ишларини олиб боришган. Археолог В.Ягодин Устюртнинг Дуана тумшугида инсониятга кўп йиллардан бери нотаниш бўлиб келган географик фигураларнинг борлигини аниқлаган. Бу фигуралар аниқ бурчакларга эга бўлиб, камон ўқи тарзидаги шаклга эга.

Ушбу қадимий иншоотлар қолдиқларини илк бор кўрган кишида асрлар давомида инсон қадами етиб бориши қийин бўлган саҳронинг ўртасида жойлашган турли хил шаклларнинг келиб чиқиши гаройиб, яъни ўзга сайёраликлар тарафидан учар кемаларга йўл кўрсатувчи белгилар сифатида барпо этилган, деган тасаввур пайдо бўлиши ҳам мумкин. Аниқланган топилмалар Дуана тумшугидан бошлаб Устюрт платосининг ичкарисига қадар чўзилиб кетган. Иншоотларга кириш жойи анча кенг бўлиб, унинг деворлари ичкари тарафга қараб торайиб боради ва ўзига хос учбурчакни ташкил этади. Бош тарафи (учи) шимолга қараган. Ҳар бир бурчақда диаметри 10 метрга тенг бўлган айлана қудуқлар сақланиб

қолган. Ҳар бир ўқнинг узунлиги 800-900 метрдан 1500 метргача, эни 400-600 метрдан, тўсиқлар (девор) баландлиги 80 сантиметргача бўлган. Устюрт саҳросида акс этган бундай белгилар Қозоғистон чегарасидан Туркменистон чегарасигача бўлган масофадаги 100 километрдан ортиқ бўлган кенгликда жойлашган ва Чили давлатидаги Наска саҳросидаги расмларга нисбатан бир неча баравар катта.

Қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди А.Сидьекнинг таъкидлашича, қурилмалар Устюртда яшаган кўчманчи халқлар томонидан ёмғир сувларини бир жойга йиғиш учун махсус барпо этилган. Археологлар эса бу бинолар ёввойи ҳайвонларни овлаш учун қурилган, деб ҳисоблашади. Лекин уларнинг жойлашмиш тартиби, деворлар баландлиги археологлар фикрини тасдиқламайди. Чунки бу "аран", яъни қурилмалар баландликларда жойлашган бўлиб, ўзаро кичик ариқлар билан туташган. Ариқлар ёмғир, қор суви "аран"ларга деворларнинг пастки қисмларида йиғиш учун мослаштирилган. С.Толстовнинг фикрича, XIII-XIX асрларда Ўзбой сувлари шу усулда йиғилган бўлиши мумкин. Бу



ёввойи ҳайвонларни овлаш учун эмас, балки Устюртда қор ва ёмғир сувларини йиғиш учун мўлжалланган энг эски ускуна ҳисобланиб, эразмиздан аввалги IV-III асрлардан эразмизнинг IX асрларига тегишли бўлган ёдгорлик, деб билишимиз керак.

Ўзбекистон Фанлар академияси аъзоси, археолог Л.Галкиннинг фикрича, бу "ўқ"лар кўчманчи қабилаларнинг шу ҳудудларда қўлон, жайрон, сайғоқ каби ёввойи ҳайвонларни овлаш учун барпо этилган қурилмалар саналади. Овчилар ёввойи ҳайвонларни шу қурилмалар ичига қувиб келишган ва тузоққа туширишган.

Қурилмалар атрофида топилган овчилик қуроллари қолдиқларини эътиборга олган ҳолда, Галкин кўчманчи қабилаларда бу каби қуроллар эразмиздан аввалги XIV-XII асрларда, яъни бронза даврига хос бўлган, деган фикрни билдиради. Маҳаллий халқ тилида овчилик учун барпо этилган иншоотлар "аран"лар деб номланган. Бу атама қорақалпоқ халқининг XIX асрдаги классик шоири Бердақ Қарғабой ўғлининг "Шежире" асарида келтирилган.

Шеллерде гезер жейраны, Жейранга қурган араны, Кенегес-Маңғыт ураны «Жаўлы - шаўқай» болган екен. "Аран" эски туркий тилда ов учун қурилган тузоқ маъносини билдиради.

Фольклор ва этнографик маълумотларга қараганда, "аран" сўзи сув маъносини билдиради. Қорақалпоқ халқининг "Қоблан", "Алпомиш" достонларида "Аран" ўсимлик тури, у ёмғир ва қор сувлари ёрдамида озиқланиб далада ўсади. "Аран билан селов отнинг ўти", дейилган. Ушбу достонларда "аран" ҳайвон тури сифатида келтириб ўтилади, яъни "Аран киби очилган оғзи" деган сатрлар бор.

"Аран" сўзи эски даврдаги диний тушунчалар билан боғлиқ бўлган. Масалан, маҳаллий қабилаларнинг кўз қарашларида "аран" сўзи — пир ва жинлар мақони. Қор, ёмғир сувларининг оз ёки кўп бўлиши уларга боғлиқ бўлиб, уларнинг ҳурматида қурбонликлар келтирилган. Эски туркий халқларда қурбонликка бағишланган молни "аранди" деб аташган. "Аран"нинг кўриниши ва маъносини ҳақидаги манбалар юқоридаги фикрларни тасдиқлайди.

Қорақалпоқ фольклорига "Усти аран, ости бўрон" деган жумбоқ ҳалигача сақланиб қолган. Бу топилмалар билан "ўқ"ларни барпо қилган одамлар ўртасида қандай боғлиқлик бор? Ушбу йўналишда катта ҳажмдаги туристик илмий экспедициялар ташкиллаштириш орқали кенг қўламли илмий изланиш ишлари олиб борила, Устюрт сирларига аниқлик киритилиб, ҳудудга чет эллик сайёҳлар оқимини кўпайтириш ва халқаро ташкилотларнинг эътиборини жалб қилиш мумкин бўлади. Устюрт "аран"ларининг халқаро ЮНЕСКО меросига киритилишига ҳаракат қилинса, Устюрт текисликлари Англия, Перу, Хитой давлатларида жойлашган ажойиб ёдгорликлар сингари йирик туризм манзилларидан бирига айланади.

Ҳурмет ЖАЛИМБЕТОВ,
Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармасининг Мўйноқ тумани вакили,
Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
журналист.

БИЛАСИЗМИ?

ҚОНУНЧИЛИККА КЎРА

ишга қабул қилишга 16 ёшдан йўл қўйилади



Умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юр்தларининг ўқувчилари 15 ёшга тўлганида ота-онасидан бирининг розилиги билан қуйидаги ишларга кириши мумкин:

- соғлиғига ва ахлоқий камол топишига зиён етказмайдиган ишга;
- таълим олишга ҳалақит бермайдиган ишга;
- ўқишдан бўш вақтида жалб қилинадиган енгил ишга.

ЎЗГАЛАР ПАРВАРИШИГА МУҲТОЖ

ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар қуйидаги махсулотлар билан бепул таъминланади (1 киши учун бир ойда)



- Ун (олий нав) – 3 кг;
- Гуруч – 1 кг;
- Гречка ёрмаси – 500 гр;
- Макарон махсулотлари – 500 гр;
- Мол гўшти (суяксиз) – 1 кг;
- Хонаки парранда гўшти – 1 кг;
- Сарийғ – 200 гр;
- Тухум – 15 дона
- Қанд-шакар – 1 кг;
- Кунгабоқар ёғи – 1 л;
- Кўк ёки қора чой – 200 гр;
- Атирсовун – 100 гр;
- Кирсовун (65%) – 200 гр;
- Кир ювиш порошоғи – 150 гр;
- Катта ёшдагилар учун таглик газ-мол – 8 дона.

ТЕМИР ЙЎЛЛАРДА

йилига бир марта бепул юриш ҳуқуқи (бо-риш ва келишга) қуйидагиларга тақдим қилинган



- Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ва Шон-шухрат орденининг учта даражаси билан тақдирланган шахсларга;
- ярадор бўлган ҳарбий хизматчилар, ишчилар ва хизматчилардан 1 ва 2-гурӯх уруш ногиронлари ва уларга тенглаштирилган шахсларга;
- Чернобиль АЭСдаги аварияни бартараф этувчилари-ногиронларига.
- 3-гурӯх уруш ногиронлари, уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар темир йўлларда чиптанинг эллик фоиз чегирмалари билан йилига бир марта юриш ҳуқуқига эга.

ҚУЙИДАГИ ЖОЙЛАРДА


транспорт воситасининг қайрилиб олиши тақиқланади



- пиёдаларнинг ўтиш жойларида;
- туннелларда;
- кўприклар, йўл ўтказгичлар, эстакадалар ва уларнинг остида (тегишли йўл белгилари билан бундай манёврни бажариш рухсат берилган йўл қисмлари бундан мустасно);
- темир йўл кесимчаларида;
- йўлнинг кўриниши бирор-бир йўналишда 100 метрдан кам бўлган жойларда.

Адлия вазирлигининг телеграмдаги "Huquqiy axborot" канали.

Тошкент шаҳар Сергели туманидаги 277-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1999 йилда Каримова Дилфаруз Мухторовна номига берилган
O'R-Z №323208-серияли шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.



Ўзбекистон БМТда Бош Ассамблеянинг Оролбўйини экологик инновациялар ва технологиялар зонаси деб эълон қилиш тўғрисидаги махсус резолюцияси бўйича маслаҳатлашувларни бошлади

БМТнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида Ўзбекистон доимий ваколатхонаси томонидан Президент Шавкат Мирзиёев Бош ассамблеянинг 75-сессиясида илгари сурган Оролбўйи минтақасини "экологик инновациялар ва технологиялар зонаси" деб эълон қилиш тўғрисидаги резолюция лойиҳасини келиши бўйича маслаҳатлашувлар бошланди.

Видеоконференция шаклида ташкил этилган тадбирда БМТга аъзо давлатларнинг турли минтақавий гуруҳлари, шу жумладан, Осиё-Тинч океани минтақаси, Европа, Лотин Америкаси ва Шимолий Америка мамлакатлари миссиялари экспертлари иштирок этди.

Маслаҳатлашувлар доирасида Ўзбекистон вакиллари томонидан ушбу ташаббуснинг мазмун-моҳияти, мақсадлари ва долзарблиги батафсил баён қилинди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо давлатларни Марказий Осиё мамлакатларининг Орол денгизининг қуриши ортидан юзага келган экологик ва ижтимоий-иқтисодий оқибатларни юмшатишга йўналтирилган савий-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга қақирувчи ушбу ҳужжатнинг аҳамиятига эътибор қаратилди.

"Дунё" АА.
Нью-Йорк.

ОБЪЯВЛЕНИЕ

УВАЖАЕМЫЕ АКЦИОНЕРЫ

АО «Q'OYLIQ DEHQON BOZORI»!

Акционерное общество «Q'OYLIQ DEHQON BOZORI» сообщает Вам, что на основании решения общего собрания акционеров АО «Q'OYLIQ DEHQON BOZORI» от 17 марта 2021 года, 90,0% чистой прибыли, полученной обществом по итогам 2020 года, была направлена на выплату дивидендов.

Размер начисленных дивидендов на одну акцию (с учетом налога), составил 1375 сум 11 тийин. Согласно пункту 2 статьи 51 Закона «Об акционерных обществах и защите прав акционеров», срок выплаты дивидендов определяется не позднее шестидесяти дней со дня принятия данного решения.

Дата начала и окончания выплат доходов по ценным бумагам:
с 17.03.2021г. по 15.05.2021г.

С учетом вышеизложенного, акционеры общества обязаны предоставить в администрацию АО «Q'OYLIQ DEHQON BOZORI» необходимые документы для получения дивидендов в установленные сроки:

— для физических лиц: оригинал паспорта, копия свидетельства ИНН, справка об открытии счета в Банке.

— для юридических лиц: копия гувохномы (лицензия) о государственной регистрации организации, банковские реквизиты.

За дополнительной информацией обращаться в администрацию общества по адресу: г.Ташкент, Бектемировский район. Ул. Фергана йўли, территория базара.

Тел. для справок: (71) 295-94-36.
Адрес электронной почты: info@kuylyuk-bozori.uz
Официальный веб-сайт: w.w.w.kuylyuk-bozori.uz

ТОМОРҚА ХЎЖАЛИГИ

Манба: ЎРҚ-681-сон, 01.04.2021 й. @huquqiyaxborot

Томорқа хўжалиги тадбиркорлик фаолияти ҳисобланмайди ва уни рўхсатдан ўтказиш талаб этилмайди

Томорқа хўжалигини юритиш учун ажратилган шахсий томорқа ер участкасида етиштирилган (қайта ишланган) қишлоқ хўжалиги махсулотлари хусусий мулкдир

Томорқа хўжалигидаги фаолият шахсий томорқа ер участкаси эгасининг ва оила аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланади

Томорқа хўжалиги қуйидаги ерларда амалга оширилиши мумкин:

- мерос қилиб қолдирилмайдиган умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқи асосида қишлоқ хўжалиги учун ерлар, умрон фонди ерлари ҳамда аҳоли пунктлари ерларидан берилган ерлар;
- мерос қилиб қолдирилмайдиган умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқи асосида яқна тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун берилган ерлар.

Майдони камида 0,04 гектар бўлган шахсий томорқа ер участкасида банд бўлган ёки мазкур майдонда шохли қорамол ёхуд камида 50 бош перранда боқаётган шахсий томорқа ер участкасининг эгаси ёки унинг оила аъзолари ижтимоий солиқ тўлаши мумкин

Томорқа хўжаликларининг ҳисоби фуқароларнинг ўзини ўзи боқариш органлари томонидан Томорқа хўжаликларини ҳисобга олиш реестрини шакллантириш орқали юритилади.

МУРОЖААТНОМА

Буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Сино бундан минг йил олдин “Довюрак ва ботир инсонлар келажакда содир бўладиган қийинчиликлардан қўрқмайди”, деб бежиз айтмаган.

Буюк соҳибқирон амир Темур таваллуд топганлигининг 685 йиллигига

СОҲИБҚИРОН ШАХСИНИ ИДРОК ЭТИШ

тарихни идрок этиш демакдир

Ватан мустақиллиги мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожланиши учун кенг уфқлар очиб берди. Айниқса, жаҳон цивилизациясини бошлаб берган аجدодларимиз қадриятларини, шу жумладан, Соҳибқирон Амир Темурнинг дунё тараққиётига қўшган ҳиссасини тиклаш имкониятига эга бўлдик.

Тенгсиз ақлу шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган буюк бобокалонимиз Амир Темур улкан салтанат барпо этди. Давлатчилик борасида ўз тузуклари билан ўша даврга мос келадиган қомус илм-фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавий ривожига кенг йўл очди.

Соҳибқирон бобомиз даҳосининг шарофати билан шахри азим Самарқанд ер юзининг сайқалига айланди. Шундай экан, Амир Темур шахсини идрок этиш – тарихни идрок этиш демакдир. Амир Темурни англаш – ўзлгимизни англаш демакдир. Амир Темурни улуғлаш – тарих қарига чўқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажакимизга ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир.

Соҳибқирон ўз салтанатининг пойтахти сифатида Самарқандни танлаганида, бу ерга бутун дунёдан моҳир меъморларни, қўли гул хунараманд ва наққошларни жалб қилди, уларни ана шу олижаноб мақсад йўлида бирлаштирди. Усталарнинг салоҳият ва ақл-заковатига таяниб, оламда тенги ва ўхшаши бўлмаган меъморий мўъжизаларни барпо қилди.

Узоқ йиллар мобайнида мустабид босқинчи мафкура бизни Амир Темурдек буюк бобомиздан, бой ўтмишимиздан айириб, халқимизнинг маънавиятини, ғурурини, ифтихорини ерга урмоқчи бўлди. Юртимизда жумладан, Шаҳрисабзда бевосита соҳибқироннинг сай-ҳаракатлари билан бунёд этилган тарихий обидалар харобага айлантирилди. Ҳатто ул зот ва авлодларининг қабр-мақбаралари ҳам «илмий тадқиқотлар» ниқоби остида талон-тарож этилди, топталди. Лекин халқимиз улғу аждодини ҳеч қачон унутмади.

Бу кўхна дунёда жаҳонгирлар кўп ўтган. Лекин ақсариётининг мақсади фақат талончилик, бузғунчилик, вайронгарчиликлардан иборат бўлган. Соҳибқирон Амир Темур эса умр бўйи бунёдкорлик бор.

Билан машғул бўлган. «Қай бир жойдан бир гишт олсам, ўрнига ўн гишт қўйдирдим, бир дархат кестирсам, ўрнига ўн та кўчат эктирдим», деб ёзди у ўз тузукларида.


Амир Темур бобомиз ўзи бошқарган ва идора қилган ҳудудда қонун устуворлигига алоҳида эътибор берган. Ҳали телефон, телеграф, коммуникация воситалари бўлмаган бир шароитда у шарқу гарбни тинчлик, тижорат, элчилик йўли воситасида бирлаштиришга ҳаракат қилган.

Бугунги кунда ҳам Амир Темур маънавияти ва адолатпарвар сиёсати юксак ибрат намунаси ҳисобланади. Бу буюк тарихий шахс маънавий меросининг ҳозирги замондаги аҳамияти беқиёс. Бундай тарихий шахсларни, саркарда ва соҳибқиронларни тарих тақозоси, замон эҳтиёжи ҳаётга олиб келади ва ул зотларнинг фазилат-хусусиятларини намён қилишга замин яратади.

Амир Темур сиёсий саҳнага қадам қўйганида эндигина 24 ёшга кирган эди. Мамлакатда бошбошдоқлик, маҳаллий сиёсий кучларнинг ўзаро қарама-қаршилиги авжига чиққанди. Асосий қудрати тарихий Мўғулистонда мужассамлашган чингизийлар тез-тез Мовароуннахрга зуғум қилиб турардилар.

Бир ярим асрга яқин қарамлик жафосини чекиб келган оддий фуқародан тортиб, йирик сиёсий арбоблару дин пешволари учун бу давр ниҳоятда оғир бўлган. Жамият озодлик ва тараққиёт манфаатларини ўзида мужассам этган халоскорга, етакчиға муштоқ эди.

Тақдир тақозоси билан Амир Темур ана шундай халоскор ва етакчи сифатида майдонга чиқди. Кимки Амир Темур қадимий Туркистон заминиди тасодифан пайдо бўлган деса, хато қилади. Нега деганда, ҳеч нарсга тўсатдан пайдо бўлмайди. Ҳамма нарсанинг ўз қонунияти бор.



Ал-Хоразмий, Улугбек, Беруний, Навоий, Бобур сингари юзлаб даҳоларимиз ҳам тўсатдан, яйдоқ бир жойда пайдо бўлгани йўқ. Улар мана шу заминда юзга келган муҳитнинг ҳосиласи сифатида пайдо бўлган. Маълумки, ҳосил пайдо бўлиши учун заминни эзиклантириш керак. Қадимий Турон замини азалдан маънавий заҳирага, маданий қатламга эга бўлган. Амир Темур замонасида ўзбек давлатчилигининг тарихий асослари қарор топганига икки минг йилдан ошган эди. Демак, Амир Темур ўзбек халқининг кўп минг йиллик тарихий жасорати, анъана ва қадриятлари, маданий-маънавий ҳаёти негизига майдонга чиққан шахсдир.

Жаҳон халқлари Ўрта асрларда Амир Темур тузган давлат ва унинг бутун дунё эътиборини ўзига жалб қилган оламшумул фаолияти, умумбашариёт ҳазинасига қўшган ҳиссаси билан танишар экан, ундан олдин ўтган алломаларнинг ижодий меросига ҳам бевосита қизиқиши ортиши табиий ҳолдир.

ЮНЕСКО раҳбарлигида Соҳибқирон таваллудининг 680 йиллигига бағишлаб

«Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маърифатнинг гуллаб-яшнаши» мавзусида ўтказилган халқаро анжуман Амир Темур тарихини ҳар томонлама ўрганиш ва тадқиқ қилишда муҳим қадам бўлди. Коммунистик мафкура ҳукмрон бўлган жамиятда тарих фани ҳам улғу давлатчилик ва миллатчилик ғоялари қурбони бўлган эди. Бу даврда яратилган тарихий асарларда Амир Темур шахси ва фаолиятига адолатсизлик билан бир ёқлама баҳо берилди. Манфур мафкура ер юзининг олтидан бир қисмини эгаллаган ҳудудда яшаган 250 миллион халқ онгига зўрлаб синдирилди. Уни ҳаққоний ёритишга ҳаракат қилган шахслар репрессияга учради, қаттиқ жазоланди.

Бошимиздан ўтказган мустабид тузум туфайли шундай аҳволга тушиб қолган эдикки, Соҳибқирон Амир Темурнинг башариёт ривожига қўшган ҳиссасини хорижда – АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британия, Ҳиндистон, Покистон ва бошқа мамлакатларда биздан кўра кўпроқ билишди.

Ўтган олти юз йилдан кўпроқ вақт мобайнида Амир Темурга бағишлаб яра-

тилган асарлар сони Европа тилларида 500 дан ортиқ, Шарқ тилларида эса 900 га яқини ташкил этади. Бугун дунёнинг қарийб 50 мамлакатда темуринос олимлар фаолият кўрсатмоқда, Темур ва темурийлар даври ҳақида кўплаб китоблар нашр этилмоқда.

Бугун асрлар давомида дунёнинг турли мамлакатларидаги йирик илмий марказлар олимлари томонидан Амир Темур меросига бағишлаб яратилган тадқиқотларни чўқур ўрганишимиз, хорижий китобларни таржима қилишимиз, уларни халқимизга, келгуси авлодларимизга тарихни ҳолис ва ҳаққоний ўргатувчи дарсликлар сифатида, фахру ифтихоримиз сифатида тақдим қилишимиз мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, буюк бобокалонимиз Амир Темур маънавиятини чўқур ва ҳар томонлама ўрганиш ёш авлодни ватанпарварлик, меҳр-оқибат, бунёдкорлик руҳида тарбиялашда дастурамал бўлиб хизмат қилади

Комила СУЮНОВА,
СамДТИ ўқитувчиси.

ТАДБИР



КУЛОЛЛАР САЙЛИ

Жорий йилнинг 23 мартда Президентимиз томонидан “Кулолчиликни жадал ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор қабул қилинди. Унда миллий хунарамандчиликнинг муҳим тармоқларидан бири бўлган кулолчилик санъатини ривожлантириш, кулолчилик анъаналарини миллий ифтихор рамзи сифатида ҳар бир хонадон, маҳалла ҳамда идора ва ташкилотларда кенг тарғиб қилиш белгиланган.

Шу муносабат билан “Хунараманд” уюшмаси, Савдо-саноат палатаси томонидан жорий йилнинг 10-11 апрель кунлари пойтахтимиздаги “Наврўз” этнографик боғида “Кулоллар сайли” миллий кулолчилик маҳсулотлари аукцион савдоси хайрия тадбири ташкил этилди. Унда уста кулоллар, хунарамандлар, тадбиркорлар, мутасадди идора ва ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, санъаткорлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Жаҳон хунарамандлар кенгаши – Осие ва Тинч океани минтақаси раиси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Аҳмад Икромов, “Хунараманд” уюшмаси раиси Улугбек Абдуллаев Ўзбекистон Республикаси Президентининг кулолчиликни жадал ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорининг асосий йўналишлари ҳақида тўхталиб ўтишди. Жумладан, 16 та туман ва шаҳарларда 20 та кулолчилик марказларини ташкил қилиш, хунарамандчилик марказлари, йирик савдо мажмуалари, туристик маршрутга киритилган объектлар ва бозорларда кулолчилик маҳсулотлари савдосини ташкил қилиш, миллий кулолчилик маҳсулотларини ташқи бозорларда кенг тарғиб этиш, шоғирдлар тайёрлаш, зарур хомашёларни сотиб олиш учун Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидиялар ажратиш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Кулоллар сулоласининг 5-авлод вакили, Ўзбекистон санъат арбоби, академик Акбар Раҳимов тарихий қарор қабул қилинганини таъкидлаб, барча хунарамандларни табриклади. Шундан сўнг кулолчилик маҳсулотлари кўргазмаси, сумалак сайли бошланди. Унда кулолчилик мактабларининг уста кулоллари, авлоддан-авлодга ўтиб келаятган сулола вакилларининг маҳорат дарслари намойиш этилди.

Аукцион савдосида 20 нафар кулолнинг 30 дан ортиқ ижодий иши сотувга қўйилди ва ундан тушган маблағнинг бир қисми Меҳрибонлик уйлариға хайрия қилинди. Тадбир якунида “Ўзбекистон” ашула ва рақс ансамбли хонанда, созанда ва раққосалари ижросида концерт дастури намойиш этилди.

Жамшид Баҳодир ўғли.

ТАДБИР

АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 685 ЙИЛЛИГИ

КЕНГ НИШОНЛАНДИ



Улғу саркарда ва давлат арбоби Амир Темур таваллудининг 685 йиллиги муносабати билан мамлакатимизнинг барча жойларида соҳибқирон босиб ўтган ҳаёт йўли ва фаолиятига бағишланган кўплаб тадбирлар, илмий-амалий конференциялар бўлиб ўтмоқда.

Пойтахтимизнинг соҳибқирон ҳайкали ўрнатилган Амир Темур хиббони 9 апрель куни олимлар, ёзувчи ва шоирлар, талабалар, кенг жамоатчилик, хорижий меҳмонлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан гавжум бўлди. Соҳибқирон ҳайкали ёдгорлигига элтувчи йўлакда ҳарбий ёшлар саф тортиди. Соҳибқирон руҳига ҳурмат ва эҳтиром рамзи сифатида ўтказилган маданий-маърифий тадбирда сўзга чиққанлар буюк бобокалонимизнинг дунё тамаддунида тутган ўрни, бунёдкорлик ишлари ҳақида ўз фикрларини билдирди. Шундан сўнг Амир Темур ҳайкали пойига анвойи гуллар қўйилди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, Фанлар академияси, Темурийлар тарихи давлат музейи, Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди томонидан ташкил этилган конференция “Соҳибқирон Амир Темур – темурийлар ренессанси бунёдкори” мавзусига бағишланди. Темурийлар тарихи давлат музейи директори, тарих фанлари номзоди Хуршид Файзиев, Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти Баҳром Абдуҳалимов, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси раиси Рустамбек Қўрбонов, Фанлар академияси Тарих институти директори Азамат Зиё мамлакатимизда янги тараққиёт босқинчига қадам қўйилгани, жамият ҳаётида туб ижобий ўзгаришлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

– Амир Темур буюк давлат арбоби, Марказий Осиё халқларининг фахру ифтихоридир, – деди ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Ян Хладик. – Темур ва темурийлар даври

билан боғлиқ меъморий обидалар ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатидан жой олган. Темурийлар даврига оид қимматбаҳо манбалар Испания, Буюк Британия ва бошқа давлатлар музейларида сақланиши Амир Темурга жаҳон миқёсида қизиқишдан дарак беради.

Шу куни музейда “Мустақиллик йилларида Амир Темур ва Темурийлар даври тарихига оид нашр этилган китоблар”, “Темурийлар тарихи давлат музейи нумизматика коллекцияси” мавзусида кўргазма ҳам ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги академиясида ҳам соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 685 йиллигига бағишланган “Амир Темур тарихи, сабоқлари ва ҳозирги замон” мавзусида маънавий-маърифий анжуман бўлиб ўтди. Унда Ўзбек миллий драма театри актёри, Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминов, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти Гуманитар фанлар кафедраси доценти Жумабой Раҳимов, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети доценти, тарих фанлари номзоди Акбар Замонов

ва академиянинг профессор-ўқитувчилари, ҳарбий хизматчилар, курсантлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Тадбирни академия бошлигининг ўринбосари, полковник Абдуазим Аҳмаджоёв очди. Соҳибқирон Амир Темур бобомиз буюк саркарда, давлат арбоби сифатида мамлакатда адолат устуворлигини таъминлаш билан бирга, буюк ислохотчи бўлгани ҳам таъкидлаб ўтилди. Амир Темур биз учун ўзлгимизни англаш, миллий анъана ва қадриятларимизни тиклаш борасидаги улғувор ишларда халқимизга маънавий куч бағишлаб келаятган улғу сиймоларидан бири эканлиги, бугун ҳаётимизнинг барча жабҳаларида адолат қарор топаётган тарихий бир даврда Амир Темур бизнинг шаън-шавкатимиз, ғурур ва ифтихоримиз, халқимиз даҳосининг тимсоли экани айтилди.

– Соҳибқирон Амир Темур фаолиятини ўрганиш учун 40 йиллик умримни бағишладим, – дейди Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти Гуманитар фанлар кафедраси доценти Жумабой Раҳимов. – Унинг тарихдаги буюк ишлари бугунги ёшлар учун ибрат мактабидир. Мустамакла вақтимизда Амир Темур шахси бизга қоралаб кўрсатилди. Аждодимизга нисбатан жаллод, қонқўр деган айбловлар қўйилди. Унинг номи оёқости қилинди. Мустақиллигимиз шарофати билан буюк бобомизнинг шахси қайта тикланди. Бугун ёшларимиз буюк аждодларимиз билан қанчалик фахрланишса шунча оз. Фарзандларимизни Соҳибқирон Амир Темурдаги мардлик, жасурлик, шижоат руҳида тарбияласак, давлатимиз келажакда ишончли кўлларда бўлади.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминов Соҳибқирон бобомизнинг амалга оширган буюк ишлари хусусида тўхталиб, ҳазрат Амир Темур ҳақида битилган асарлардан намуналар ижро этди. Академия курсантлари томонидан ўзбек, инглиз тилларида янграган ижод намуналари, ўша даврни ақс элтирувчи либослардаги бадий саҳналаштирилган спектакль намойиши иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Жамшид АМИРОВ,
ЎзЖОКУ талабаси.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

ТОВАРЛАРНИ МАНЗИЛГА ТЕЗ ВА СИФАТЛИ ЕТКАЗИШ УЧУН

ривожланган йўл инфратузилмаси керак

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси йўл ҳужалиги тизимини чуқур ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида йўл соҳасини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш ва унинг инвестицион жозибадорлигини ошириш бўйича бир қатор вазифалар белгилаб берилган эди. «Қамчиқавтйўл» иختисослаштирилган йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси ана шу асосда йўл соҳасини тизимли ислоҳ қилиш бўйича манзилли ишларни амалга оширмоқда.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг, мамлакатимиз миллий иқтисодиётида автомобиль йўллари муҳим аҳамиятга эга эканлиги эътиборга олинди, йўлсозлик соҳасида ижобий ўзгаришлар даври бошланди. 1992 йилдан автомобиль йўллари сақлаш, қуриш ва таъмирлаш ишлари амалга оширишнинг қонуний асоси тартибга солинди. Утган йиллар мобайнида замонавий автомобиль йўл-

рини ривожлантириш, жаҳон талабларига жавоб бера оладиган янги йўллар қуриш, комплекс реконструкция қилиш ва таъмирлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Бугунги кунда мамлакатимиз автомобиль йўллари тизими 184 минг километр узунликдаги йўллардан ташкил топган. Ўзбекистон Республикасининг «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги қонунига мувофиқ узунлиги 42 минг 676 километр бўлган умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари махсус ваколатли орган сифатида «Ўзавтйўл» компанияси томонидан сақланади. Уларнинг асосий қисми мустақиллик йилларида тубдан таъмирланди, реконструкция қилиниб, янгидан барпо этилди. Бугунги кунда олиб борилаётган ислохотлар кўлами шу қадар кенги, уларнинг кўлами совиқ мустабид тузум даври туғул, мустақилликнинг илк йилларида йўлсозлик соҳасида амалга оширилган ишлар кўламиндан ҳам бир неча баробарга ошироқ.

Корхонамиз тасарруфида 130 километр умумфойдаланувдаги автомобиль йўли бўлиб, халқаро аҳамиятдаги автомобиль йўлининг умумий узунлиги 108 километрни, давлат аҳамиятидаги авто-

мобиль йўлининг узунлиги 22 километрни ташкил этади. Ушбу йўл қисмларида сақлаш, жорий таъмирлаш, қишқи қаров ва кўкаламзорлаштириш меҳнат унумдорлиги бўйича 2020 йил давомида 2019 йилга нисбатан қарийб 300 фоиздан кўпроқ йўл қуриш ишлари амалга оширилди. Умумий барча турдаги бажарилган ишлар кўлами бўйича ўртача 2019 йилга нисбатан 2020 йилда пандемия шароити бўлишига қарамай, 130 фоизга ўсиш даражаси кузатилди.

Корхонамиз томонидан А-373 «Тоскент — Ўш» автомобиль йўлининг Қамчиқ доғи орқали ўтган қисмида транспорт воситаларининг узлуксиз ва хавф-хатарсиз ҳаракатлинишни таъминлаш мақсадида қурилиш-реконструкция қилиш ва жорий таъмирлаш ишлари бўйича 111 минг м² қоплама карта усулида, 16 минг м² қоплама ямоқ усулида таъмирланди. 6 километрлик йўлнинг устки қатламига асфальт-бетон қопламасини ётқириш ишлари бажарилди. 150 донa нур қайтарувчи йўл белгилари ўрнатилиб, 677 километр масофага ётиқ нур қайтарувчи йўл белгилари чизилди. Йўл ўқиға 450 донa ва йўл четига ажратувчи биринчи гуруҳ тўсиқлари ўрнатил-

ди. Йўл ёқасидаги хандақлар 78 минг м³ тоғ жинсларидан тозаланди. Йўлнинг хавфли участкаларига 50 донa қўшимча йўл белгилари ва ҳайдовчиларни фавқулодда вазиятлар хавф-хатаридан огоҳлантирувчи 20 донa стeнд ва баннерлар ўрнатилди.

Корхонамизда асосан вахта усулида ишлар ташкил қилинган бўлиб, қиш мавсумида бир ҳафта иш, бир ҳафта дам олиш кунни, ёз мавсумида эса 15 кун ишлаш кунни этиб белгиланган. Тасарруфимизда пудрат, қурилиш-таъмирлаш, механизация, асфальт-бетон цехи бўлиmlари, «Автйўлсоз» ҳамда «Йўлчи» болалар соғломлаштириш оромгоҳлари мавжуд. Бу ерда фаолият кўрсатаётган 922 нафар ишчи-ҳодимларга барча қулай шарт-шароитлар яратилган бўлиб, улар 3 маҳал иссиқ овқат, оёқ кийими ва ётоқ анжомлари билан бепул таъминланган. Барча йўл бўлиmlарида иссиқхоналар ташкил қилинган бўлиб, ишчи-хизматчиларнинг мароқли дам олиши учун 9500 нусхадан зиёроқ бадий, сийсый китобларга бой кутубхона ишлаб турибди. Стол тенниси, шахмат-шашка ва бошқа турдаги спорт анжомлари мавжуд.

Корхонада ҳар йили меҳнатда ўрнат-



кўрсатган илғор ҳодимларимиз қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланиб, рағбатлантирилади ҳамда туризмни ривожлантириш дастури бўйича корхона ҳисобидан Ўзбекистон бўйлаб саёҳатлар, концерт дастурлари ва театрларга ижодий экскурсиялар уюштирилади. Яқинда бўлиб ўтган 8 март байрами муносабати билан 18 нафар аёл ҳодим корхона касабаси уюшмаси томонидан муносиб рағбатлантирилди. Пенсия ёшига етган ва фахрий ишчиларимиз ҳам доимо эъзозда.

Меҳнат шартномаси асосида 2019 йилда 101 нафар, 2020 йилда 55 нафар ҳодим ишга қабул қилинди. 2020 йил март ойи ўрталаридан мамлакатимизда пандемия эълон қилиниши муносабати билан вақтинча ишсиз фуқароларга моддий кўмак бериш мақсадида май-октябрь ойларида Поп ва Оҳангарон туманларидан 152 нафар фуқаро меҳнат битими асосида

ишга жалб қилинди. 2020 йилда ишчи-ҳодимларимизнинг ойлик маоши ошиши 2019 йилга нисбатан 114,7 фоизни ташкил этди. 2019 йилда ўртача ойлик иш ҳақи 2.493.730 сўмини ташкил этган бўлса, 2020 йил якуни бўйича ўртача иш ҳақи 2.838.100 сўмини ташкил этди.

Ишлаб чиқарилаётган инновацион лойиҳа ва режалар асосида равои ва текис йўллар барпо этиш, истиқболли ишларимизни давом эттиришда бор куч ва маҳоратимизни ишга солашимиз. Олиб бораётган сайёҳаракатларимиздан инсонлар баҳраманд бўлишса, ўзимизни бахтиёр ҳис этамиз.

Абдулбоки ИЗЗАТУЛЛАЕВ,
«Қамчиқавтйўл» иختисослаштирилган йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси директори.



ТАҲРИРИЯТДАН:

Мамлакатимизда жами юқларнинг 98 фоизи ва йўловчиларнинг 88 фоизи автомобиль йўллари орқали ташилди. Кейинги йилларда юртимиз экспортда тайёр маҳсулотлар улуши кўпайиб бормоқда. Келгусида уни янада ошириш режалаштирилган. Товарларни манзилга тез ва сифатли етказиш учун эса ривожланган йўл инфратузилмаси керак. Автомобиль йўллари қуриш ёки таъмирлаш ишларига халқаро ташкилотлар ва хусусий шерикларни фаол жалб қилиш зарур. Жумладан, халқаро ва давлат аҳамиятига молик 1 минг 600 километрлик йўлга доир 18 та йирик лойиҳа ана шундай ҳамкорлик асосида амалга оширилиши долзарб масала.

НИЯТИ ХОЛИС, МАҚСАДИ УЛУҒ

Газетамизни ўқиб-кузатиб бораётган муштарийлар яхши биладики, Деҳқонбод туманига қилган хизмат сафаримиз давомида кўрган-кечирганларимиздан келиб чиқиб, саҳифаларда турқум мақолаларни эълон қилиб бормоқдамиз. Ушбу сафаримиз чоғида ёш тadbirkор Бекзод Жонқўзиёвнинг фаолияти билан танишганимизда ҳам яқин-яқинларгача саноати ривожланманган, иқтисодий қолоқ туман сифатида баҳоланадиган Деҳқонбодда турли йўналишларда дадил изланишлар амалга оширилаётганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Мақоламиз қаҳрамонини таништирадиган бўлсак, у Деҳқонбод туманидаги «Осиё фэйз нур» МЧЖнинг раҳбари. Мутахассислиги иқтисодчи, 2014 йилда Қарши муҳандислик иқтисодиёт университетини тамомлаган. Дастлаб «Деҳқонбод йўл таъмирлаш» корхонасида диспетчер, механик бўлиб ишлаган. 2017 йилдан «Шўртангаз кимё» мажмуасида фаолият юрита бошлади. Ушбу мажмуада ишлаб юрган пайтида Президентимиз томонидан яратилаётган имкониятлардан келиб чиқиб, тadbirkорлиқни йўлга қўйишни мақсад қилди. Мақсад шундай қилиб кетмади, доимо дуоғуй бўлган ота-онаси билан маслаҳатлашди. Отаси Баҳодир ака унинг раёйини қайтармади, қўллаб-қувватлаб, унга далда берди. Шу тариқа оилавий тadbirkорликка асосланган фаолият йўлга қўйилди.

Бекзод Жонқўзиёв раҳбарлик қилаётган «Осиё фэйз нур» МЧЖ 2018 йилда ташкил этилди. Ушбу жамият чорвачилик

ва богдорчиликни ривожлантириш билан шуғулланади. 200 бошдан ортиқ наслдор қўйлар, 10 дан ортиқ қорамоллар парвариш қилинмоқда. Айни бу жараёнда асосий мақсад наслчиликни йўлга қўйишдир.

Чорвачилик-ку деҳқонбодликлар учун отамеросдай гап, лекин богдорчилик янгимасми, деб сўрашингиз мумкин, — дейди Бекзод Жонқўзиёв ҳазил аралаш. — Чиндан ҳам богдорчилик туманда унчалик ривожланмаган. Лекин кейинги йилларда бу соҳада ҳам катта ўзгаришлар бўлаяпти. Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан Оқсув дарёси сувининг Деҳқонбодга келтирилаётгани барчанга жуда хурсанд қилди. Хали кўрасиз, бу даштиқларда катта-катта боглар пайдо бўлади. Биз ҳам айти пайтда интенсив богларни барпо қилиш ишларини бошлаб юборганимиз.

Бекзод Жонқўзиёв тақдим этган маълумотлар билан танишамиз. «Осиё фэйз нур» МЧЖда бугунги кунда 20 та ишчи



ўрни яратилган. Яқин кунларда автомобилларга сиқилган газ қўйиш шохбчаси фаолиятини бошлайди. Бунинг натижа-сида аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш билан бирга яна қатор қўшимча янги иш ўринлари яратилади.

Жамоамиз аҳиллик билан иш олиб борапти, — дейди Бекзод Жонқўзиёв. — Ҳолмат бобо Арабов богларга қарайди. Муродилла Арабов ишчи. Чорва молларига масъул Икром Бегимқулов. Аҳмад Ҳакимов иқтисодчи. Умуман, жамоада ҳар бир инсоннинг ўз ўрни бор. Уларга етарлича шарт-шароит яратишга ҳара-

кат қилиб келаямиз. Биласизми, инсон доимо яхши ният билан яшаб, янги-янги режаларни амалга оширгиси келаверар экан. Келгусида чорвачилик ва богдорчиликни ривожлантириб, гўшт-сут, мевани қайта ишлайдиган корхоналарни ишга туширишни ва маҳсулотларни экспортга чиқаришни кўп уйлайман. Худо хоҳласа, бу мақсадларим ҳам амалга ошади. Кўнглимнинг тубидаги яна бир ниятим: Бешбулоқ қишлоғида ўз ҳисобимдан катта масжид барпо қилсам. Бу ниятларимнинг амалга ошишида Яратган эгам ўзи қўлла-син, дейман.

Халқимизда «яхши ният — ярим давлат» деган ҳикматли гап бор. Бу бежиз эмас албатта. Инсон ҳолис ният билан яшаб, эзгу мақсадлар сари интилса, вақти келиб кўнглидаги оруз-хавасларнинг рўёбини кўради, интилишларининг мевасидан баҳраманд бўлади. Бекзод Жонқўзиёв эришаётган ютуқларида ота-онанинг дуоларида ҳикмат кўп деб билади, уларнинг маслаҳати билан иш тутайди.

Унинг отаси Баҳодир ака олтимаш ёшни қаршилаган бўлса-да, бу инсоннинг юз-кўзида, ҳаракатларида йигит-

ларга хос бўлган шижоат, гайратни сезасиз. Айни пайтда «Деҳқонбод калий» заводиди директор ўринбосари бўлиб ишлаётган бу инсоннинг оилавий бахти ҳам тугал: турмуш турғоги Насиба опа билан 5 нафар фарзандни тарбиялаб, олий таълим даргоҳларида ўқитиб, эл-юрт қорига ярайдиган инсон қилиб вояга етказишди. Ўзларининг таъбири билан айтганда, ҳозир ўн икки нафар неваранинг бобо-момоси бўлиб ўтиришибди.

Биз учун фарзанд камолани кўришдан ортиқ бахт йўқ, — дейди Баҳодир ака. — Фарзандларим, невараларим даврасида утирганимизда Яратганга шукроналар айтаман, бахтимизга кўз тегмасин дейман. Тўрт қиз, бир ўғилни шу элимизга хизмати тегадиган инсонлар қилиб тарбиялашга ҳаракат қилдик. Худога шукр, Шоира қизим мактабда тарих фанидан ўқувчиларга сабоқ беради. Дилдора богчада ҳамшира, қолган икки нафар қизим ҳам тинч-тотув яшаяпти. Юртимиз тинч, оддий халқ тadbirkор бўлиб, ўз турмуш тарзини яхшилаши учун барча имкониятлар яратилапти. Шунинг орқасидан ривожланишлар, юксалишлар бўлаяпти. Оиламиз билан дастурхон атрофида ўтирганимизда ҳар доим дуога қўл очиб, эл-юртимиз тинчлигини, фарзандларимиз соғу саломатлигини сўраймиз. Президентимизнинг мамлакат тараққиёти, халқимиз келажаги учун қилаётган ишларига Яратган куч-қувват берсин, деймиз.

Ойгул РАЗЗОҚОВА,
журналист.



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС:



Bosh muharrir: Safar O'NSTONOV

ТАҲРИР ҲАҲ'АТИ:

Ulug'bek INOYATOV

Ulug'bek YAFUYEV

Mahmud TOIR

Qalandar ABDURAHMONOV

Guliston ANNAQILICHEVA

Muslihidin MUHIDDINOV

Hayotxon ORTIQBOYEVA

Toshemir XUDYOYULOV

Qabulxona — (71)233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — (71)233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — (71)233-47-80

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 441, 3038 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni —

Topshirilgan vaqti — 19:45.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi-dasturchi:
Bekzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

4772010763008

Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун

QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5 6